



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Поётда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 21 апрель, пайшанба • 16 (3597)-сон

Халқимизнинг энг
ишончли таянчи ва
суянчи, фахри ва ифти-
хори бўлмиш миллий
армиямизни барпо этиш
давлатимиз ва жамия-
тимиз, Ватанимизнинг
тақдирига бефарқ қара-
майдиган ҳар қайси
инсоннинг муқаддас
бурчига айланиши зарур.

И. КАРИМОВ.



ВАТАНГА ХИЗМАТ ШАРАФДИР

Хонадонда ўғил фарзанд
дунёга келса, барча бирдек
кувонади. Сабаби, у вояга
етгач, Ватан ҳимоячиси, пос-
бони бўлади. Ҳар бир йигит
ёшлигидан аскар бўлишни,
эгнига ҳарбий кийим кийишни
орзу қилади. Ватан ҳимоясига
отланган мард ўғлонларни
ота-оналари ва яқинлари оқ
йўл тилаб, тантанали кузатиб
қўйишлари анъанага айлан-
ган. Эзгу мақсадларни дилла-
рига жо этган йигитлар муқад-
дас Ватан ҳимоясини ўзлари-
га шараф деб билишади.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



УШБУ СОНДА:

**ДУНЁ ҲАФТА
ИЧИДА**



3

**НИКОҲ -
МУҚАДДАС
РИШТА**



4

**ЖАСОРАТГА
ЛОЙИҚ МУКОФОТ**



19

**ТАҚДИР
СИЙЛАМАГАН**



ОЙЛА

21


**ТУЗИНИ
ИЧИБ...**

«... — Кўрдингми, уйи-
мизга укамиз Раҳмонбой
келди. Энди бошлаб бир
ош дамлайсан! Бу
кеча роса гурун-
лашамиз...»

23

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

**Душманга нафрати
бўлмаганнинг Ватанга
муҳаббати бўлмас.**



**UCHINCHI
OLAM**

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВда вазирлик раҳбариятининг хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Уни вазир ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов олиб борди. Учрашувда ИИВ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи, полковник А. Жўраев, Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Ш. Икромов, Хуқуқий таъминлаш ва ОАВБАҚ бошқармаси бошлиғи, полковник А. Шарипов, Матбуот маркази бошлиғи, полковник А. Эрناзаров ва ИИВ Бирлашган тахририяти бош муҳаррири, капитан Ш. Муродов қатнашдилар.

Бир гуруҳ журналистларнинг республика ИИВ раҳбарияти номига йўллаган мактуби ушбу учрашув ва баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Хатда гўёки ўз фаолиятлари учун хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қатагон қилиниши лозим бўлган журналистлар рўйхати борлиги ҳақида ёзилган эди. Ушбу рўйхат ва ахборот Интернетнинг сайтларидан бирида тарқатилганди. Унинг муаллифи ҳокимиятга ёқмайдиغان журналистлар ва хуқуқ ҳимоячилари тўхматга учраши, ҳибсга олиниши ёки мамлакатдан зўрлаб чиқариб юборилиши мумкинлиги ҳақида ёзганди.

Вазир ўринбосари А. Шарафутдинов ўз чиқишида Интернет хабарларида тарқатилган қандайдир махфий буйруқ ёки бошқа бирор ҳужжат мавжудлиги амалда уйдирма эканлигини, ҳеч қандай асосга эга эмаслигини ишонarli тарзда исботлади.

Жиноятчиликнинг барча кўринишларига қарши кураш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш республика ички ишлар идораларининг бош вазифаси бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунчилик ва инсон хуқуқларини таъминлаш масаласида тўхталсак, бу соҳада ҳам қонунбузар-

ликларнинг олдини олиш, инсоннинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш бугунги куннинг устувор йўналишидир. Бу каби масалалар бир неча бор ИИВ Ҳайъати мажлисларида кўриб чиқилган. Қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон хуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш бўйича махсус комиссия тuzилган, аниқ ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилган, стратегик йўналишлар белгилаб олинган.

Жиноят содир этишда гумон қилиниб шахсларни ушлаш жараёнини тартибга солиш, умум тан олинган қоидаларга мувофиқ улар иштирокидаги процессуал расмий маросимларни ўз вақтида ўтказиш, қонунчилик кўпол бузилган ҳолатларни, биринчи галда қийноққа солиш ҳолатини жамоатчилик иштирокида мустақил текширишни таъминлаш, хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг очиқ-ошкорлигини (меъёр доирасида, албатта) таъминлаш, шунингдек, аҳолининг, жумладан, хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг хуқуқий онги ва маданиятини ошириш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ҳимоя хуқуқини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Адвокатлар ассоциация-

си (уюшмаси) билан ҳамкорликда адвокатларнинг терговолди текшируви ва дастлабки тергов босқичида иштирок этиш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Бу ҳужжат ушланган гумонланувчини қисқа вақт ичида мустақил ҳимоячи билан таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари республика Олий Мажлисининг инсон хуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ички ишлар вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланиб, кучга кирди. Улар Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунлар, инсон хуқуқлари ҳимояси соҳасида умум тан олинган халқаро принциплар ва меъёрларга асосланиб юз бериши эҳтимоли бўлган инсон хуқуқлари бузилишларининг олдини олиш борасида кучларни бирлаштириш, чоралар ишлаб чиқишдан манфаатдор эканликларини изҳор этдилар.

Ички ишлар идоралари фаолиятига оид халқаро хуқуқий ҳужжатлар тўплами нашр этилди, ходимларнинг хуқуқий онгини ва хуқуқий маданиятини оширишга, халқаро хуқуқий меъёрларни ўзлаштиришларига ёрдам берувчи махсус адабиётлар тарқатилляпти.

Республика ИИВнинг барча тергов бўлинмаларида фуқаролар қандай ҳолларда ва қандай тартибда ушланиши, шунингдек, фуқаролар хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ўз хуқуқларини бузганликлари юзасидан шикоят қилиш тартиби баён этилган эслатмалар етарли миқдорда мавжуд.

Тармок нашрининг ижобий роли, ИИВ Бирлашган тахри-

рияти томонидан чоп этиладиган "Postda", "Ha postu" газеталари, "Qalqon", "Щит" журналлари адади йилдан-йилга ортиб бораётгани, уларда тез-тез таҳлилий, танқидий руҳдаги материаллар, хуқуқий маслаҳатлар, тарбиявий мавзудаги мақолалар берилётгани қайд этилди.

Мазкур хуқуқий механизмлар ва ўтказилаётган тадбирларнинг барчасидан кўзланган мақсад шуки, бирорта ҳам хуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг ходими қонунни четлаб ўтмасин, улар фуқароларнинг хуқуқларини ҳурмат қилсин.

Ички ишлар идоралари томонидан қонунбузарлик содир этилган ҳар бир ҳолат бўйича ОАВ ва Интернетда берилган материаллар юзасидан тегишли тартибда хизмат текшируви ўтказиш амалиётда тартиб тусига кирган. Айбдорларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўрилиб, бу ҳақда раҳбариятга ахборот берилади.

Бу ички ишлар идораларининг фаолияти бутунлай мукамал, ҳар қандай хато ва камчиликлардан холи дегани эмас, албатта. Ҳали бу борада кўп иш қилишимиз керак. Хусусан, ички ишлар идоралари фаолияти натижаларини баҳолашда албатта жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга кўпроқ ҳаркат қилишимиз.

Бунда оммавий ахборот воситаларининг роли катта, албатта. Айни пайтда учрашувда иштирок этган ИИВ раҳбар ходимлари журналистларни мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида юз бераётган воқеаларни ёритишда эҳтиросларга берилмасликка, холис бўлишга, тенденциозликдан воз кечишга, барча томоннинг фикрини

ҳисобга олишга, воқеликни ижобий қабул қилишга чақирди. Танқид керак, аммо у асосли, фойдали бўлиши лозим. Ана шундай ёндашув бўлганда ИИВ оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот ва ҳамкорлик қилишга, ички ишлар идоралари фаолиятига дахлдор ҳар қандай масала юзасидан очиқ-ошкора фикр алмашишга ҳаммиша тайёр.

Шу муносабат билан қуйидаги фикр баён этилди. Яъни бундан буён фақат фактик асосга эга бўлган, чунотчи аниқ фамилиялар, саналар, рақамлар ва шунга ўхшаш реал маълумотлар келтирилган материалларгина кўриб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилади. Бир гуруҳ журналистлар республика ИИВ раҳбарияти номига йўллаган очиқ хати бунинг исботи бўлди. Бундай амалиёт бундан кейин ҳам қўлланилади.

Учрашув иштирокчиларининг эътибори қонун олдида ҳамма, шу жумладан оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам тенглигига қаратилди. Улар томонидан ҳам амалдаги қонунлар бузиладиган бўлса, бунинг учун жавоб беришларига тўғри келади.

Ўз навбатида учрашувга таклиф этилган журналистлардан Г. Бухарбаева, А. Кудряшов, С. Ежков, Р. Қундашев ва бошқалар бундай юзма-юз, ошкора суҳбатлар, ИИВ раҳбариятининг Интернетда берилган ахборотга тезкорлик билан жавоб қайтаргани фойдали бўлишини қайд этдилар. Республика ИИВ раҳбарияти билан тез-тез учрашиб туриш, ИИВ Матбуот маркази билан эса қиндан алоқа ўрнатиш истagini билдирдилар.

Александр ВОРГУДЯЕВ.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли сафдорлар, кичик сержантлар ҳамда сержантлар таркибига кирувчи ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда республика ИИВ ЖИЭББ бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари, шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарининг бошлиқлари иштирок этишди.

Тантана бошланишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вази-



САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

рининг ўринбосари, генерал-майор Р. Қодиров нутқ сўзлади. У янги ташкил қилинган Курс ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасига таяниб ушбу соҳанинг такомиллашувига хизмат қилишини қайд этди.

Ўқув биносида синф хоналари, кутубхона, ўқитувчилар хоналари, ошхона, дам олиш хонаси бор. Айниқса, компьютер хонаси оргтехниканинг замонавий намуналари билан таъминланганлигини, мажлислар зали кенг, шинамлигини

алоҳида таъкидлаш керак.

Курс махсус ўқув дастурлари асосида сафдорлар ва сержантлар таркибини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга мўлжалланган. Амалиётга ва ўқув жараёнига ўқув технологияларини жорий


этишга алоҳида эътиборда бўлади. Кейинроқ курс маркази яратилиб, интернетга боғлаш режалаштириляпти. Тингловчилар маҳжумлар ва маҳбуслар билан муомала бўйича халқаро хуқуқ меъёрларини, уларни фойдали меҳнат билан

таъминлаш, ички ишлар идоралари ва жазони ижро этиш бўлинмалари фаолиятида транспарентлик (ошкоралик) принципи масалаларини ўрганишларига салмоқли ўрин ажратилган. Курсни ташкил этишда ўқитувчилар таркибини иш ва билим тажрибасига эга кадрлардан таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази кўмагида Польшада бўлиб, шунга ўхшаш ўқув курсларининг фаолияти билан танишиб келинди.

Курс билан танишиш тугагач, ИИВ ЖИЭББ муассасаларининг жорий йил биринчи чорагидаги тезкор-хизмат, ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолияти яқунлари бўлиш ўтди.

Георгий ПЕТРОСЯН.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ЯНГИ РИМ ПАПАСИ САЙЛАНДИ



Немис епископи Йозеф Ратцингер Рим Папаси этиб сайланди. У Бенедикт XVI номини олди. Кардиналлар сайловни 20 соат ичида якунлаб, ўзига хос рекорд ўрнатишди.

Понтифик авлиё Пётр майдонида йиғилган кўп минг сонли халойиққа мурожаат қилиб: “Кардиналлар буюк Папа Иоанн Павел II дан кейин мени сайлашди. Мен сизларнинг ибодатларингиздан умид қиламан”, – деди. Майдондагилар Папанинг чиқишини гулдурас қарсақлар билан кутиб олишди.

Католик черкови етакчилари учинчи уринишда янги Папани сайлашди. Мархум Иоанн Павел II эса бу лавозимга саккизинчи бор овоз беришдан сўнг сайланган эди. Майдонда сайлов натижасини кутиб турганларга аввалига Сикстин капелласи мўрисидан қора тутун кўтарилгандай туюлди. Кейин тутун “оқарди”.

Йозеф Ратцингер шу пайтгача эътиқод масалалари бўйича конгрегация префекти (ўрта асрларда бу муассаса “Муқаддас Инквизиция” деб аталарди) бўлиб фаолият кўрсатарди. У Ватиканнинг энг кўзга кўринган, обрўли илоҳиётшуносларидан бири ҳисобланади. Янги сайланган Папа Рим-Католик черкови ислохотларини бошлаб берган 1963 йилдаги Иккинчи Ва-

тикан йиғинида қатнашган эди. Уни консерватив деб ҳисоблашади. Сабаби, абортга қарши чиқади, бесоқолбозликни қоралайди, Черковнинг марказлашувини ёқлайди.

Нега Йозеф Ратцингер папалikka сайлангач, ўзига Бенедикт номини қабул қилди деган савол туғилиши табиий. 1914–1922 йилларда Рим Папаси бўлган Бенедикт XV Биринчи жаҳон урушида ўзаро душман бўлган томонларни яраштиришга ҳаракат қилган. Урушга қарши чиққан. Янги понтифик ҳам жаҳон миқёсида тинчликпарварлик сиёсати олиб борса керак. У 78 ёшда. Демак, катта тажрибага эга.

Энди Бенедикт XVIнинг таржимаи ҳоли устида қисқача тўхталсак. У 1927 йил 16 апрелда Германияда жандарме-

рия комиссари оиласида туғилди. Ватиканнинг расмий маълумотида қараганда, нацизмга қарши яширин курашган. Аммо Иккинчи жаҳон уруши охирида уни вермахтнинг ҳаво ҳимояси кўшинлари ёрдамчи бўлинмасига ҳарбий хизматга қақиришади. Урушдан кейин Мюнхен университетиде фалсафа ва илоҳиётни ўрганади. 1951 йилда руҳоний даражасини олди. Германиянинг турли олий таълим муассасаларида илоҳиёт ва фалсафадан дарс берди. 1977 йилда Ратцингер Мюнхен ва Фрейзингеннинг архиепископи этиб тайинланди. Ўша йили июнь ойида Павел VI уни кардинал этиб тайинлади. 2000 йил ноябрида Йозеф Ратцингер Папа Фанлар академиясининг фахрий академиги этиб сайланди.

МАЖЛИС ТЎХТАТИЛДИ

Портлаш хавфи туғилгани учун Грузия парламенти биносидаги барча одамлар хавфсиз жойга кўчирилди. Воқеа Москва вақти билан соат 12.55 да юз берди. Кўриқлаш хизматига бинога бомба ўрнатилгани ҳақида хабар келиб тушди. Шундан сўнг парламентнинг кенгайтирилган мажлисини тўхтатишга тўғри келди. Воқеа жойига кинологлар етиб келишди.

Парламент раиси Н. Буржанадзе воқеани ифвогарлик сифатида баҳолаб: “Аминманки, бу ёлгон хабар. Бинода ҳеч қандай бомба йўқ”, – деди. Спикернинг фикрича, АҚШ Президенти Жорж Буш Грузияга ташриф буюриши олди-дан бундай хабарларнинг тарқатилиши тасодифий эмас. “Муайян кучлар Грузияни нотинч давлат сифатида кўрсатишдан манфаатдор”, – деди Буржанадзе.



БОЛАЛАРНИ ИЗЛАНГ!

Россиянинг Красноярск шаҳрида фавқулодда ҳодиса юз берди – бир йўла беш бола йўқолиб қолди. Ҳозир 200 нафардан зиёд милиция ходими уларни излаяпти. Бу воқеа шанба куни кечқурун рўй берган эди. 10-12 ёш ораллигидаги А. Лавренов, М. Тауманов, С. Алиев, Г. Мамедгасанов ва Д. Макаровлар сирли тарзда гойиб бўлишди. Қизиғи, улар ўзаро таниш бўлишган, бир мактабда ўқишган, бир-бирига кўшни кўпқаватли уйларда яшашган. Мактаб директорининг айтишича, 16 апрель куни болаларнинг барчаси дарсда қатнашишган. Улар тинч, аҳил оилаларда тарбия топишаётган эди.


Туман прокуратураси мазкур ҳолат бўйича жиноят иши кўзгади. Уларнинг белгилари тасвирланган матнлар ва суратлари жойларга юборилди, маҳаллий телевидение орқали намойиш этилди. Мана, тўрт кундирки, милиция ходимлари уй-жойлар, ертўлалар, чордоқлар ва қурилишларда қидирув ишлари олиб боришяпти.

Ҳозирча аниғи – болалар шанба куни кечқурун Глинка кўчасидаги 16-уй ховлисида тўпланишиб, номаълум томонга йўл олишган. Баъзи болакайлар ўртоқларини кимдир “ВАЗ-2109” автомобилида қаёққадир олиб кетганини айтишди. Ўсмирлардан икки нафарининг ота-онаси йирик маҳаллий бозорда ишлаган. Юқоридаги ҳодиса шу билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Туман криминал милицияси бошлиғи Фёдор Анишев: “Тезкор ходимлар бошқа тахминларни ҳам текшириб кўришяпти. Болалар ўзларича саргузашт излаб кетишган бўлишлари эҳтимоли ҳам бор”, – деди. С. Алиев илгари ҳам бир неча бор уйдан қочиб кетгани бу гапда жон борлигини кўрсатади. Қидирув давом этаяпти. Тезкор ходимлар ўсмирлар ўқиган мактабда суриштирув ишлари олиб боришяпти.

АЙБДОР – ТУНГИ ҚОРОВУЛНИНГ ТАНИШИ

Эсингизда бўлса, Париж марказидаги “Пари-Опера” меҳмонхонасида даҳшатли ёнғин юз берган эди. Франция пойтахти полицияси префекти Пьер Мюц шаҳар кенгаши мажлисида сўзга чиқиб, бунга тунги қоровуллардан бирига таниш бўлган аёл айбдорлигини айтди. Айбдор қўлга олинган.



Этилганига қарамай фақат эрталабга яқин ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлишганди. Сўнги 32 йил ичида Париж шаҳрида ҳали бунақанги ҳалокатли ёнғин қайд этилмаган эди.

ЎЗЛАРИ ҚАЗИГАН ЧОҲГА

Махачкалада яна бир террорчилик ҳаракати режалаштириляётган эди. Бу гал террорчиларнинг ўзлари портлаб кетганга ўхшайди. Эрталаб соат олтиларда шаҳардаги чорраҳалардан бирида “ВАЗ-2106” русумли енгил автомобиль портлаб кетди. Машинадагилардан бири воқеа жойида,



бошқаси касалхонага олиб кетиляётганида вафот этди. Ҳозир автомобиль эгаси қидирилмоқда.

Экспертизанинг аниқлашича, “Жигули”да 500 г тротил кучига эга бўлган портловчи қуримла портлаган. Қурбонларнинг шахси тергов манфаатларини кўзлаб сир тутиляпти.

ГУБЕРНАТОРГА ЗИЁН ЕТМАДИ

Душанба куни кечқурун Россиянинг Мурманск вилояти губернатори Юрий Евдокимов аэропортга кетаётган эди. Унинг ҳайдовчиси машинани бошқара олмай қолди. Натижада автомобиль йўл ёқасида турган ППХ машинасига урилиб кетди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жароҳатлангани йўқ.

Губернатор бошқа машинада аэропортга етиб олди. Фақат унинг лимузини хиёл пачоқланди, холос. ЙХХ хизмати ходимларининг айтишича, йўл-транспорт ҳодисасига ноқулай об-ҳаво шароитлари сабаб бўлган. Мана, икки кундирки, Мурманск вилоятида қор бўрони давом этаяпти. Шамолнинг тезлиги секундига 30 метрга етаяпти. Ҳаво ҳарорати эса 12 даражагача совиб кетди. Тоғли худудларда қор кўчиши хавфи бор.

Хибинда кутқарувчилар 6 гуруҳдан иборат чанғичи сайёҳларни хавфсиз жойларга кўчиришди. Қор қалинлиги туфайли Мурманскни Норвегия билан боғловчи федерал трасса ёпиб қўйилди. Душанба куни бўрон, яхмалак туфайли вилоят марказидан аэропортга борувчи йўлда ўттизга яқин ЙТХ содир бўлди.



Маърифат дарси

Оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси никоҳ ҳисобланади. У одамзод ҳаётидаги муҳим маънавий кашфиётдир. Уйланиш муқаддас қўргонни тиклаш учун биринчи навбатда севги деб аталган устувор туйғу бўлиши керак. Муҳаббат асосида қурилган никоҳда эр ва хотин бир-бирига борлигини бахшида этади, уларнинг ҳаётига бошқаларнинг ҳаваси келади, шунингдек хушсурат, оқил, парҳезгир фарзандлар дунёга келади.

Хўш, биз муқаддас деб ҳисобланаётган никоҳ ўзини нима? Никоҳ – бу эркак билан аёл ўртасидаги муайян иттифоқ ва бу иттифоқнинг жамият, давлат томонидан тан олинishi ва маъқулланишининг тарихий шаклидир. Ҳаётда никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида маънавий-ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнатади. Никоҳ жинсий эҳтиросни махфийлик пардасига ўрайди, эр-хотин орасидаги табиий муносабатга ахлоқий, маънавий гўзаллик, ифбат, ҳаё, андиша бахш этади.

Никоҳ арабча сўз бўлиб, кўшилиш маъносини англатади. Барча миллатлар каби ўзбекларда ҳам оила никоҳ асосида қурилади.

Никоҳнинг пайдо бўлиши жуда қадимга бориб тақалади. Ибтидоий одамлар энг яқин қариндошлар ўртасида бўладиган жинсий алоқалардан ҳамма вақт ҳам соғлом бола туғилмаслигини тушуниб етишган. Буни эса чекланишлар сари қўйилган қадам дейиш мумкин. Бу тушунчани дин орқали жамоаларга тушунтиришга интилганлар. Ҳаётий тажрибалар жуфт никоҳни юзага келишини тақозо этган. Оннинг шу даражада ўсиб бориши натижасида ажодларимиз оиласида соғлом болалар туғила бошлаган. Эрнинг хотинга, хотиннинг эрга садоқати юксала борган, оиласига, фарзандига хиёнат қилганлар аёвсиз жазоланган.

Қадимда турли кўринишларда никоҳ ўзига хос тарзда вазифасини бажарган. Олимларимизнинг ёзишича, Марказий Осиёдаги йирик қабиалардан бири бўлган сакларнинг одатлари бўйича уйланишни истаган йигит ўзи уйланмоқчи бўлган қиз билан ер ости уйда кураш тушиши шарт бўлган. Бу курашда ютиб чиқсагина уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Акс ҳолда йигитнинг ўзи қизнинг асирига айланган. “Ўғузнома”, “Алпомиш”, “Манас” каби дostonларда никоҳ билан боғлиқ одатларни кўриш мумкин. Масалан, йигитнинг жисмоний қобилияти, кураш тушишига қараб синаб кўрилган.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, никоҳ – оиланинг ҳуқуқий муносабатлари маълум тартибга кела бошлаган. Қуръони карим, шариат ва одат қоидалари билан никоҳ тартибга солинган. Никоҳ – ҳалоллик, никоҳсиз кўшилиш

эса ҳаромлик белгисидир. Илгари мусулмонлар ўртасида никоҳ қилинаётганда, келин томон қалинни иложи борича кўпроқ олишга, кув томон эса, бериладиган қалинни камайтиришга ҳаракат қилган.

Исломда кўп хотинлиликка,

рилмоқда, жумладан, 1998 йилда “Оила кодекси” қабул қилинди. “Оила кодекси”да оила ва никоҳ мустақамлиги учун хизмат қилиш, уни ҳуқуқий қафолатлаш кўзда тутилган.

Биз Куръони карим, ҳадислар ва нонни эъзозлаган каби никоҳни ҳам улуг тутишимиз керак. Чунки у орқали авлод қолдирамиз, оилавий анъана ва расм-русумларни, қариндош-уруғчиликни, ўзимизнинг номи-нишонимизни тарихга сарҳад қиламиз. Ана шу тушунчаларни ёшларимиз онгига қанча эрта сингдира билсак, айрим, оилавий муаммоларни бартараф қилишга эришамиз. Бу тушунча орқали ҳам иймон, эътиқод каби эъзозланадиган, унинг инсон келажағи ва бахти учун зарур эканлигини, улар ота-оналари каби ҳаёт-

ўтади ва соғлом фарзанд кўришида асосий омил бўлади. Ёшларнинг тиббий кўриқдан ихтиёрий ўтишга хоҳиш билдиришлари уларнинг ҳуқуқий маданиятга эга эканлигидан далолат беради.

“Оила кодекси”нинг яна бир моддаси бор. У никоҳнинг ҳуқуқий моҳиятини мустақамлайди. Ушбу кодекснинг 29-моддасида никоҳ шартномаси қайд этилган. У никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёхуд эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилловчи келишуви (аҳдномаси) тушунчасини изоҳлайди.

Кейинги пайтларда жамиятимиз ҳамда айрим оилалар ногирон болалар дунёга келишидан азият чекмоқда. Биз

да “палаги тоза” деган ибора бор. Айнан миллат генофондини соф сақлаш муаммоси мужассамлашгандир. Муҳтарам президентимиз И. Қаримов айтганларидек, “Бугунги кун ёш оилалари мустақил Ўзбекистоннинг эртаси, қолаверса келажагидир”.

Ҳар қандай ижтимоий жараённинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бўлганидек, никоҳ аҳдининг бузилишига сабаб бўлувчи келишмовчиликларнинг бўлиши ҳам табиий ҳолдир. Чунки ҳаёт мураккаб, турмуш эса тасодифлардан ҳоли эмас. Бу тасодифлар турли зиддиятли ҳолатларни ва у эса ажралишнинг ортишига сабаб бўлади.

Оилавий жанжал ва келишмовчиликлар сабабли биргина Тошкент шаҳрида 1990-2000 йиллар ўртасида янги ташкил топган оилаларнинг 38,3 фоизи ажралиб кетган. 2000 йилнинг ўзиде пойтахтда 5250 та никоҳ бекор қилинган. Бунинг омиллари, энг аввало, Тошкент шаҳри аҳолисининг кўпмиллатлилиги ва маҳаллий аҳолига нисбатан бошқа миллат аҳолисида ажримнинг кўплиги бўлса, иккинчи омил бу аҳолининг маълумотлилики даражасидир.

Оила қуришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етукликнинг паст даражадалиги, оиланинг яшаб кетишига тўсиқ бўлган омиллар ажралишга олиб келган. Ўрганилган оилаларнинг 20,8 фоизиде дунёқарашнинг мос эмаслиги, характернинг хилма-хиллиги кўрилган, иқтисодий қийинчиликлардан келиб чиққан можаролар 20 фоизни, эр ёки хотиннинг бир бирига хиёнат қилгани ҳам 20 фоизни ташкил қилади. Ҳадисда айтилганидек, “кимки зино қилса, ундан иймон чиқади. Имони йўқ кишилар эса одам қиёфасидаги шайтонлардир” дейилади. Агар бир шаҳарда лоақал бир аёл бир марта бузқлик кўчасига кириб ҳаром бола орттирса, бу шаҳардан 40 йил барака кўтарилар экан.

Никоҳнинг бузилиб кетиш сабабларидан яна бири тобора авж олиб бораётган гиёҳвандлик ва ичкиликбозликдир. Эракнинг ёки аёлнинг спиртли ичимлик ёки наркотик моддага ружу қўйгани натижасида жанжал, ўғрилик, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик, рўзгор ташвишларига бефарқлик каби сабаблар пайдо бўлади.

Никоҳ поклик-софликка, садоқатга асосланиб қурилган бўлса, бундай оилалар тинч-тотув, аҳил яшайди, рўзгоридан барака узилмайди.

Оила – улуг даргоҳ. Уни асраш, мустақамлаш эр-хотин учун фарз. Турли сабабларни рўқач қилиб муқаддас ришта-никоҳни бузиш ҳам маънавий, ҳам моддий зарар келтиради. Бу эса ҳаётни, жамиятни заифлаштиришни унутмаслик керак.

Даврон ХОЛИҚОВ,
педагогика фанлари
номзоди, доцент.

НИКОҲ – МУҚАДДАС РИШТА

яъни тўрттагача хотин олиш ва диний никоҳдан ўтишга рухсат этилган. Аммо унинг ўзига хос шартлари мажбуриятлигини кўпчилики билса керак. Афсуски, исломда ушбу рухсатдан “қурол” сифатида фойдаланилганлиги кўпгина тарихий маълумотларда бизга маълум. Ҳозирги даврда кўпхотинлилик қонун йўли билан муҳофазага олинган. Лекин қонунчилигимиз рухсат бермагани билан ўз оиласидан қонуний аж-

рашмай кўнгли тусаган аёллар билан айш-ишрат қилиб юрганлар, ёки қонунсиз никоҳ ўқитиб, ўз болаларини бошини эгиб, жамиятни ифрослик ботқоғи сари етаклаётганлар оз эмас. Орамизда айрим никоҳни, оилани муқаддас билмаганлар бор экан, тирик етимларнинг дунёга келишидан, уларнинг оху ноласига сабаб бўлувчилардан ҳоли бўлолмаймиз.

Мустақилликдан кейин никоҳ ҳам қонун йўли билан қайта ҳимояланди ва конституциямизда “Оила” деган махсус боб ажратилди. Никоҳ аҳдини ривожлантириш учун Ўзбекистонда бир қатор тадбирлар амалга оши-

да из қолдиришларини англаб етадилар.

Ҳар бир ота-она келажақда фарзандининг, айниқса, қизларининг бахтли бўлишини, соғлом фарзандлар кўришини, қудалар ва жамиятдан раҳмат эшитишни истаса ёшларидан ҳаракат қилиши лозимлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Ҳар бир ота-она фарзандини ўғилми, қизми унинг туғилган пайтидан

унинг сабабларини таҳлил этганимизда, барча ногирон болаларнинг 25-30 фоизи қариндош никоҳли оилаларга тўғри келаяпти. Хўш, биз нима учун билиб-билмасдан ўз фарзандларимиз келажақига зомин бўлаяпмиз? Унинг тиббий-биологик омилларини билмасликданми ёки бойлик, мерос қолдиришни ўйлабми? Қатор вилоятларда ўтказган тадқи-

қотларимизда ногирон боласи ёки набираси бор ота-она ва буви-боболар “қариндошлик ришталари узилмасин”, “меросимиз ўзимизникида қолсин”, қабилада жавоб беришди. Аммо улар бу кўрган оқибати мактаб бўлганлигини, қилмишдан пушаймон эканлигини, вақт ўтганлигини, уни орқага қайтариш мумкин эмаслигини тушуниб етишган.

Соҳибқирон Амир Темуруз “Тузуқлари” да:

“Мен икки

нарсаса амал қилдим: ўғилларим, набираларимни уйлантираётганимда келиннинг етти пуштини, ўзимга тегишли бўлган одамлар орқали суриштирдим. Иккинчиси, оила қураётган йигитларга қирқ кун олдин бир култим ҳам чоғир ичишини ман қилдим”, дея ўғит беради. Халқ ораси-



тиббий

кўриқдан ўтказиб туриши зарур. Ана шунда фарзандида бор касалликни эртароқ аниқлашга эришади ва шунга қараб муолажа олишни бошлайди. Қарабсизки, у воёга етиб турмуш қураётганида тиббий кўриқдан бенуқсон

XXI аср вабоси

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Хотин-қизлар бошланғич ташкилотларини тузишдаги бу шароитларнинг барчасини Қахрамон яхши билар эди. Шу сабабли бир куни Ҳалимага: "Варақалар ва бошқа адабиётларни тарқатиш билан шуғулланувчи эркалар ва аёллар етарли эмас. Таниш-билишлар, кўни-кўшнилари ва айниқса, қариндош-уруғлар орасида ташвиқот ишларини кучайтириш керак. Вақти келиб улар ўз эрлари ва бола-чақаларини жалб этиб, янги бошланғич ташкилотлар тузишади. Уларнинг ҳаммаси бизнинг ҳаракатимиз аъзоларига айланиши шарт эмас. Нима бўлганда ҳам бу ижобий аҳамиятга эга. Ҳокимиятни кўлга олишда мусулмонлар бизнинг фаолларимиздан қанча кўпини таниса, ҳукуматни енгиш шунча осон кўчади", – деди. Ёллашга биринчи номзод сифатида турмуш қийинчиликларидан эзилган, чаласавод Малика танланди, унинг болалари эса Қахрамоннинг фикрича халифаликнинг устунларидан бири ҳисобланади. Маликани гуруҳ фаолиятига жалб

этишда Қахрамон ва Ҳалима ёлғиз онанинг нафақат ҳаётини муаммолари, балки бевалигидан усталлик билан фойдаланишди. Ҳалима ўзининг учинчи эридан фарзанд кўра олмаслигини асос қилиб олиб, Маликани шариат удуми бўйича Қахрамонга иккинчи хотин бўлиб тегишга, ундан фарзанд кўришга ва болани биргалликда тарбия қилишга қўндира олади. Малика бешта боласи билан унга уйланишга журъат этувчи эрка топилганидан суюниб, рози бўлди. Олтинчи боланинг туғилишидан у қўрқмади, чунки эри ва қариндоши (Ҳалима) ёрдамида ўстиришга ишонди.

Тўй бўлмади. Эркак ва аёлнинг икки томонлама гувоҳлар иштирокида (улардан бири Ҳалима) ўзаро мажбуриятлар олиши билан никоҳ ўқилди. Бу воқеалардан бир неча кун ўтиб, Ҳалима Маликани бошланғич ташкилот аъзоси бўлишга қўндирди ва ҳаракат аъзоси ҳамда муаллим-эрнинг хотини сифатида Қахрамон талаб қилган ҳамма нарсага рози бўлишни уқтирди. Эрининг бошида фақат шариат удумларига асосланган амр-фармоийишлари Маликанинг ислом тўғрисидаги тасаввурларига тўғри келди. Аввалига у ташқарига ўраниб-чирманиб чиқишга одатланди. Аммо бешта боласи билан ўз уйида яшаб, гоҳида келиб турадиган эрининг кўлига қарам бўлиб қолди. Қахрамонни эса у Куръон оятларини қандай ёд олаётгани кўпроқ қизиқтирар

эди. Малика матнларни яхши эслаб қололмасди. Қахрамон бунинг учун аввал уришди, сўқди, кейин эса калтаклай бошлади. Ураётганида шукроналар белгиси сифатида табассум қилишни ва "Аллоҳу Акбар" дейишни талаб қиларди. Малика ҳамма талабларни бажариб, кўр-кўрона унга итоат этарди. Ҳеч қандай, айниқса, исломий маърифатдан беҳабар чаласавод Қахрамон эса Маликанинг тушунчаларини "Ҳизбут-таҳрир" адабиётлари ва "Онг ал Ваъй" журнали мақолаларидан келиб чиқиб шакллантирди. Журнал билан уни гуруҳдаги сафдошларидан бири таъминлар эди. У АҚШ валютасини чексиз ҳурмат қилар ва яшил купюрадаги Жорж Вашингтон расмини "Вашингтон бобо" деб атар эди.

Қахрамоннинг ўз оналари-

гоҳида келиб турадиган қариндоши – ўн беш ёшли Қодирни машғулотга жалб қилиш кераклигини айтди. Бир неча кундан кейин бу йигитча Тошкент даҳаларидан биридаги беш қаватли уйда жойлашган уч хонали хонадонга олиб келинди. Деразалари қалин парда билан тўсиб қўйилганлиги сабабли хоналар кундуз куни ҳам ним қоронғи эди. Телефон йўқ, телевизор фақат дуо-оятлар ёзилган видеофильмларни кўйиш учун ёқилар эди. Хоналарнинг бирида юпқа, увадаси чиқиб кетган тўшак солинган бўлиб, ёстиқ ҳам, кўрпа ҳам йўқ эди.

Хонадонга етиб келишлари билан номаълум кимсалар Қодирни яхшилаб калтаклашди, ураётганларида оқимнинг диндаги аҳамияти, хонадонда ўзини қандай тутиши кераклиги, дераза ва эшиклар ёнига яқинлашмаслик, қаттиқ овоз чиқармаслик ва бош-

бир неча мутахассислардан бири) кўпроқ "жонбозлик" кўрсатарди. Гуруҳнинг фаол аъзолари, ёш болалардан худкуш-террорчилар тайёрлаш бўйича мутахассислар ака-ука Толиб ва Бахтиёрларнинг "ғайрати" ҳам Атахамниқидан кам эмасди. Гуруҳда улардан ташқари яна кўплаб шундай мутахассислар фаолият кўрсатарди. Ака-укалардан бири Тошкент яқинидаги масжидлардан бирида имом ёрдамчиси бўлиб ишларди. У Қодирни калтаклашдан чарчаб, дам олаётган пайтларида: "Халифалик ўрнатилгандан кейин мен катта олим бўламан", – деб мақтанар эди. Йигитча эса золимларга боқиб, ичида Аллоҳдан уларга энг қаттиқ жазо беришни сўрарди. Кейинчалик, тергов жараёнларида Қодир улардан бири билан юзлаштирилганда, ўша азоблардан қутилгани учун шукроналик билдирди.

Қодир жангарилар кўлига тушганининг тўртинчи куни хонадонга Беҳзодни ҳам

лимларни ҳурмат қилишни сўраганди. Боласининг ҳақиқий аҳолидан у беҳабар эди. Беҳзод бу хонадонга келганидан кейин Қодирни калтаклашни тўхтатишди. Уч кун ўтгач Беҳзод золимлар тушлиқдан сўнг уйкуга кетганларида аста калитни олиб эшикни очди ва йигитчалар ташқарига отилдилар. Кўчага чиққанлари заҳоти орқаларидан кимлардир қуваётганини билишди. Беҳзоднинг омади келиб, уларга чап берди ва одамлар тўдасига ўзини урди. Қодирни эса ушлаб олишди ва яна ўша машъум хонадонга судрашди. Йўлларидан чиққан оппоқ сочли кампининг "Нима гап?" деган саволига, "Ўғрини тутдик" деб жавоб беришди.

Хонадонда Қодирни қонга белангунча уришди. Кейин чалажон ҳолда ошхонага йиқитиб, юзидаги қонларни ювиб ташлашни буюришди. Ошхонадаги столда пичоқ ётарди. Ўсмир жон ҳолатда пичоққа ёпишди, аммо золимларга ташланишга журъати етмай ўз жонига қасд қилмоқчи бўлди. Қўлининг икки жойидан кесди, лекин қон томирлари қандай жойлашганини билмаслиги туфайли уриниши беса-мар кетди. Жангарилар ўзаро маслаҳатлашиб, ўсмирни уйига олиб боришга аҳд қилишди. Фақат унга "Бу ерда

га нисбатан таҳрирли муносабатда бўлишини болалар кўриб туришар эди. Катта қизи бошқалардан кўра кўпроқ норози бўларди. Баъзида онасига буни очик айтарди. Ўгай отаси онасини жангарилар тайёрлаш лагерига жўнатишга ҳозирлик кўраётганидан қиз беҳабар эди. Кейинроқ Ҳалима ва Малика ҳақиқатан ҳам Жанубий Вазирстонда жойлашган жангарилар ва худкуш террорчиларни тайёрлаш лагерига жўнатилдилар. Тез орада Тошкентга ҳалок этиш илмини тўлиқ эгаллаган ҳолда қайтдилар.

Кунлардан бир кун Қахрамон ва Ҳалима Маликага унинг катта ўғли Беҳзодга араб алифбосини ўргатиш бўйича машғулотларни бошлаши кераклигини таклиф этишди. Бунга асосий сабаб қилиб агар ўспирин динни қабул қилса, ҳаётга жиддийроқ муносабатда бўлади, деб тушунтиришди. Беҳзод рад жавобини берди. Бироқ у бошига тушадиган кулфатларни фақат бир неча кун орқага суриб қўйганини билмас эди. Беҳзод кўнмагач Қахрамон Маликанинг

қалар ҳақида гапиришди. Бу жараён етти кун давом этди. Йигитча бир неча марта хушидан кетди. Тушига кундузги даҳшатлар кириб чиқарди. Эрталаб яна калтаклаш ва араб тили, дуоларни ўқиш машғулотлари бошланар эди. Ҳар бир нотўғри талаффуз учун боши,

олиб келишди. Эшикнинг нариги томонига энди тасодиф туфайлигина қайтиши мумкин бўлган оламдан ажралганини у ҳали тушуниб етмаган эди. Онаси ҳадеб ялинавергач бу ерга келишга кўнганди. Қодир Беҳзоддан ўзини бу ердан тезроқ олиб кетишини ялиниб сўради. Илтимосини охиригача айтишга улгурмади, берилган зарбадан девор ёнига учиб тушди. Иккинчи зарба Беҳзодга мўлжалланган эди, бироқ у чап беришга улгурди. Ҳизбчиларнинг кўча мушталлашларида тобланган, бироз озғинроқ бўлса ҳам, ўн тўққиз ёшли ўсмир билан беллашишга юраклари дов бермади. Кейинчалик йигитчаларга калтаклашларнинг сабаби уларни ёмон одатлардан халос этиб, "ҳақиқий мусулмонлар"га айлантириш, деб тушунтиришга уринишди. Беҳзод бунга жавобан агар ислом дини шунақа бўлса, усиз ҳам яшайверман, деб жавоб берди.

Кечаси Беҳзод йиғлаётган Қодирга онасининг хатини берди. Унда содда она ўғлидан яхши ўқиш ва муал-

либ уларни ёмон одатлардан халос этиб, "ҳақиқий мусулмонлар"га айлантириш, деб тушунтиришга уринишди. Беҳзод бунга жавобан агар ислом дини шунақа бўлса, усиз ҳам яшайверман, деб жавоб берди.

кўрган-билганларинг тўғрисида оғиз очсанг, ота-онангни ўлдираманиз", – деб пўписа қилишди. Қодир уйига қайтгач онасига чиндан ҳам ҳеч нарса айтмади. Фақат араб тили ва Куръонни ўрганиш учун қайтиб бормаслиги, агар онаси мажбур қилса, отасига арз қилишини айтди. Отаси бу гаплардан беҳабар бўлиб, ўғлим қариндошларникида юрибди, деб ўйлар эди. Беҳзод рўй берган воқеалар тўғрисида оғиз очса, бутун оиласи билан йўқ қилиб юборишлари мумкинлигини англаб турарди. Шу боис у уйдан кетиб қолди. Бироқ бироз вақт ўтгандан кейин укаси Карим ўша тўрт золимнинг кўлига тушишдан у хабарсиз эди. Малика эри ва Ҳалима билан суҳбатлашгандан сўнг саккиз ёшли ўғлини Сирғалидаги хонадонга бериб юборди. Чунки у Каримга араб тилини ва Куръон ўқишни ўргатишади деб ўйларди. Бордию у эрининг асл мақсади ва ўқитиш усулларидан хабар топгандан ҳам ушбу таклифга монелик қилмаган бўларди. Унинг дунёқарашини нафақат эри, балки жангарилар тайёрлаш лагеригаги йўриқчилар ҳам шакллантиришган эди. У лагердан қайтгач, ўзини мужоҳид аёл деб ҳисобларди.

(Давоми бор).

М. ЖАЛОЛ таржимаси.

БОЛАЛАРГА «СИЗ ШАҲИДЛАРСИЗ» ДЕБ УҚТИРИШДИ



Ватанга хизмат – олий саодат

Мустақиллик йиллари арафасида ота-оналар ўғилларини армия сафари-га кузатишдан юраклари безиллаб қолганди. Сабаби, ҳарбий низома-га зид муомалалар туфайли кўплаб ёшлар майиб-мажруҳ бўлиб қайти-шарди. Афғон уруши йилларида қанча-лаб ўзбекистонлик ўғлонлар ёт юртлар-да ҳалок бўлганини ҳам ҳали кўпчи-лик унутмаган бўлса керак. Шунинг учун ота-оналар қандай бўлмасин фарзандларини ҳарбий хизматдан олиб қолишга ҳаракат қилишарди.

Бугун аҳвол бутунлай ўзгача. Авваламбор, ҳар бир ҳарбий йигит юртига, халқига хизмат қилаётганини юракдан ҳис қилади. Шунинг учун мактаб-ни битираётган ўғлонлар армия сафига чақирил-сам, Ватан олди-даги йигитлик бурчимни ўтаб қайтсам, деб оқзу қилади. Бунга ота-онаси

ҳам рози. Нафақат рози, ҳатто чақирув комиссияси бирор сабабдан ўғилларини Куролли Кучлар са-фига чақирмасликка қарор қилса, бундан хафа ҳам бўлишади.

Ҳозир муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ниҳоятда ош-гани ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Улар-нинг пул таъминоти яхшиланганлиги, на-мунали хизмат қилишса, олий таъ-лим муассасаларига киришда муайян им-тиёзларга эга бўли-шини ҳаммамиз би-

ламиз. Аскарларнинг яшаш, хизмат ўташ шарт-шароитларига ҳавас қилса арзийди. Замонавий, ёруғ, ши-нам, барча қулайлик-ларга эга ётоқхона-ларни айтасизми,

барча зарур анжом-лар билан жиҳозлан-ганини айтасизми. Уларга устозлик қилаётган зукко, би-лимдон, ҳарбий илм-ни чуқур эгаллаган офицерлару сержан-тларни айтасизми. Замонавий, мураккаб алоқа воситалари, ҳарбий техника, қурол-яроғлардан маҳорат билан фой-далана олишлари учун аскарлар нафа-қат жисмонан ва маъ-нан етук, шунингдек, интеллектуал юқори салоҳиятли бўлиш-ла-

ри лозим. Айниқса, компьютер техноло-гиялари ҳарбий со-ҳага тобора кенг ки-риб бораётган ҳозир-ги пайтда.

Шунинг учун ҳам бу-гунги кунда армия са-фига йигитлар черти-чертиб, энг саралари олиняпти. Номзодлар-нинг нафақат жисмо-ний ва руҳий соғлом-лиги текширилади. Бундан ташқари улар пухта жисмоний тайё-ргарликка эга экан-ликларини намойиш этишлари лозим. Тест синовлари топшира-дилар. Суҳбатлар ўтказилади. Барча босқичлардан муваф-

қармасида муддатли ҳарбий хизматга ча-қирувчиларни рес-публика ИИВ Ички ва Қоровул қўшинлари Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Е. Жуков-ский барча чақирив-чиларни буюк аж-додларига муносиб ворис бўлишга, юр-тимизни кўз қорачи-гидек асрашга ча-қирди. Ота-оналар номидан сўзга чиқ-қан пискентлик Орти-қой опа саф тортиб турган йигитларга қарата:

– Ўғилларим, шу топда кўзимда ёш. Ле-кин бу севинч ёшлари.



Ўрта Чирчиқ туман-лиқ Асадулла Исмо-илов эса:

– Болаларим, ҳам-мангиз ҳаяжонланиб турган бўлсангиз ке-рак. Сизлар тугул

Фурсатдан фойда-ланиб бўлажак аскар-ларни, уларнинг яқин-ларини суҳбатга тор-тдим:

– Тоғам професси-онал ҳарбий. Шартно-ма асосида хиз-мат қилдилар. У киши ҳавас қилиб шу соҳани танла-дим. Ниятим ИИВ олий ҳарбий би-лим юртига ки-риб, офицер бўлиш, – дейди ангреник Бек-зод Моатов қатъий оҳангда.

Дилбар опа Норматова эса иккинчи ўғлини армия сафига кузатаётган экан. Кат-таси ҳарбий хизмат-ни тугатиб, ҳозир ички ишлар идорала-рида фаолият кўрсат-таркан. Опа ўғли Ка-молиддин қаёққа хиз-мат қилгани бораёт-ганини олдиндан бил-ганидан хурсанд.

Чирчиқлик Аноржон ая Ашурова невараци-наси Саиджонни ку-затгани келибдилар. Ая қўлларини дуога очиб:

– Илоҳи, шу ердаги барча болаларим, улар қатори Саидги-нам ҳам ой бориб, омон келишсин! – де-дилар.

Аяга қўшилиб мен ҳам қўлимни дуога очиб, юзимга фотиҳа тортидим.

Бобомурод ТОШЕВ.

Суратларда: тантана-ли маросимдан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛИШСИН!

фақиятли ўтганларги-на муддатли ҳарбий хизматга лойиқ деб топиладилар. Ватан ҳимоячиларининг обрў-эътиборини ошириш мақсадида уларни армия сафига тантанали кузатиш аънаана тусига кириб бораёпти.

Яқинда ҳам Тош-кент вилояти мудро-фаа ишлари бош-

Фарзандимни Ватан ҳимоясига кузатаётган-дан чексиз қувониб турибман. Болала-рим, сарҳадларимиз-ни муқаддас билинг, юзимизни ерга қарат-манг, ҳар хил ғаламис-ларнинг сўзига кир-манг. Командирларин-гизнинг буйруқларини бажаринг. Ҳаммангиз-нинг йўлингиз оқ бўлсин, – деди.

ўзим ҳам қаттиқ ҳаяжондаман. Ўғлим-ни юрт ҳимоясидек юксак номга лойиқ кўришгани мен учун ҳам бахт, шараф. Ҳар-бий Низома-га қатъ-ий риоя қилинган, ичадиган онларин-гизга содиқ қолин-лар. Илоҳим ажодла-римизнинг пок руҳла-ри ёр бўлсин, – деди.

Тадбирда қатнашган республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳара-кати Ўрта Чирчиқ тумани бўлими масъул ходими Баҳодир Ис-матов, республика ИИВ ИҚББ шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлиғи, под-полковник Қобилжон Ҳайитовлар ҳам Куролли Кучлар сафига кузатилаётганларни ҳаётларидаги бу унутилмас кун билан таб-риклашди. Шундан сўнг уларга Ўрта Чир-чиқ ҳокимияти томо-нидан тайёрланган совға-саломлар топ-ширилди, байрам да-стурхони ёзилди.

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

**Фарзанди баркамол юрт бўлур обод,
Элда тинчлик бўлса жўшқиндир ҳаёт.
Ватанни қўриқлар чин, асил зурёд,
Ватаним посбони – ўзбек ўғлони.**

**Зобиту аскарлар, ватанпарварлар,
Ўз ерин муқаддас билган полвонлар.
Алпомиш авлоди, қўрқмас лашкарлар,
Ватаним посбони – ўзбек ўғлони.**

**Ватанни севганнинг иймони бутун,
Йигит киши сақлар азалдан юртин,
Юртда тўй-томоша, дастурхон тўкин,
Ватаним посбони – ўзбек ўғлони.**

**Тинчликни сақлашга ичганлар қасам,
Ҳеч кимдан азалдан бўлмаганмиз кам.
Эркин айтар мудом: бўлингиз ўқтам,
Ватаним посбони – ўзбек ўғлони.**

Эркинбой РҶЗИБОВ,
катта сержант.



ЁШ АСКАРЛАР САФИМИЗДА

Ёш аскарларни ҳарбий қисмларда тантанали кутиб олиш, шунингдек, белгилан-ган муддатли хизматни ўтаб бўлган аскарларни тантанали кузатиш маросимлари-ни ташкил этиш республикамизда аънаанага айланиб бормоқда.

Яқинда Тошкент темир йўл бекатига Бухоро-Тошкент по-езди келиб тўхтади. Ундан ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли полковник А.Сини-цин сардорлик қилаётган ҳар-бий қисмга Ватан олдидаги йигитлик бурчларини ўташ учун келган бир гуруҳ бўлғу-си ёш аскарлар тушдилар. Уларни Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ташкилий чақирув ва жамлаш бўлими бошлиғи, полковник В. Непом-няших, ҳарбий қисм команди-ри, подковник А. Синицин,

ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Т. Хо-лиқов, батальон командири, майор Я. Турдиевлар кутиб олдилар. Майор Л. Файзулла-ев раҳбарлигидаги оркестр ижросида янграган мусиқа са-долари остида ёш аскарлар ҳарбий қисмга йўл олдилар.

Улар бу ерда қайта тиббий кўриқдан ўтказилиб, ҳарбий кийим-кечак билан таъминлан-дилар. Тантанали кутиб олиш тадбири муносабати билан ёш аскарларга байрамона туш-

лик ташкиллаштириб, ош тар-қатилди. Шундан сўнг улар ҳарб илмларини пухта ўрганиш учун ўқув базасига жўнатилди. Бундай тадбирлар Қоровул қўшинларига қарашли бошқа ҳарбий қисмларда ҳам бўлиб ўтяпти. Биз барча ёш аскарла-римизнинг Ватан олдидаги йи-гитлик бурчларини аъло дара-жада ўтаб, ёруғ юз билан соғ-саломат ота оналари бағрига қайтишларига тилақдошимиз.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
сержант.

Суратда: тантанадан лавҳа.



Спорт – саломатлик гарови



Ўзбекистон Республикаси "Динамо" жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкил топганлигининг 80 йиллиги юбилейи арафасида жамият раисининг биринчи ўринбосари З. ҚУРБОНОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

– **Зокиржон Аҳмедович, "Динамо" ЖТСЖнинг ташкил топиш жараёни қандай кечган эди?**

– Авваломбор, юбилей Сиҳат-саломатлик йилига тўғри келганини мамнуният билан қайд этишни истардим. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Чунки бизнинг фаолиятимиз соғлом авлодни тарбиялаш билан бевосита боғлиқдир. Спорт жамиятининг тарихи 1925 йил апрелдан бошланади. Ўшанда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва чегара қўшинларида дастлабки жисмоний тарбия жамоалари тузилиб, Ўзбекистонда "Динамо" кенгашига бирлашишди. Жамиятнинг қад ростлаб, оёққа туриши осон кечгани йўқ. Дастлабки қадамларни қўйиш қийин кечди. Ташкилотчилик тажрибаси йўқлиги, мутахассислар, иншоотлар, моддий база етарли бўлмаганлигига қарамай Ўзбекистон динамочилари янги-янги иш услубларини излаб топишди, оммавий спорт байрамлари, ўқ отиш бўйича мусобақалар ташкил этишди.

Уруш арафасидаги йилларда жамият аъзолари ўртасида фаол оммавий спорт ишлари ўтказилди. Спорт иншоотлари қурилишлари бошлаб юборилди. 1934 йилда ўтказилган биринчи Ўрта Осиё спартакиадасида "Динамо" жамиятининг кўплаб вакилла-

ри голиб бўлгани тасодифий эмас.

Иккинчи жаҳон уруши мамлакатимизнинг тинч ҳаётини издан чиқарди. Ўша суронли йилларда "Динамо" жамияти тўга-

ракларида спорт билан шуғулланиб тобланган кўплаб ёшларимиз муносиб ҳимоячилар бўлиб етишишди.

Ўша йиллари динамочилар Ўзбекистонда 54 та ҳарбийлаштирилган гуруҳлар тузишди, уларда минглаб одамлар мерганлик ва қўл жанги санъатидан таълим олишди. Югуриш, узоқ масофаларни пиёда босиб ўтиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш мусобақалари армия учун муносиб ўринбосарлар тайёрлашга ёрдам берди.

Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида республикамиз динамочилари спорт соҳасида катта муваффақиятларга эришишди. Таниқли мураббийлар Геннадий Калеткин, Борис Гранаткин, ака-ука Зеленин ва Аблаевлар, шунингдек, бошқа кўпгина устозлар қатор машҳур спортчиларни, Олимпия ўйинлари

чемпионлари ва жаҳон чемпионларини тарбиялаб етиштиришди. Гимнастикачи Эльвира Саади, боксчи Руфат Рискиев, эркин сузувчи Сергей Заболотнов, велопойгачилар Михаил Колушев ва Шахид Загретдинов, самбочилар Собир Курбонов ва Сайфутдин Ходиев, курашчилар Махарбек Хадарцев ва Камил Фатхулин-

лар шулар жумласидандир.

"Динамо" жамиятининг қад рослашида ва ривожланишида ўзларининг меҳнатлари, тажрибалари ва ташкилотчилик қобилиятлари билан бебаҳо ҳисса қўшган жамият раҳбарларини ҳам эслаб ўтиш лозимдир. Улар орасида 1940-1950 йилларда фаолият кўрсатган Давид Моисеевич Берлин ва Николай Андреевич Сотников, 1960-1980 йилларда унга етакчилик қилган Юрий Григорьевич Будагов, 1990-2000 йилларда раҳбарлик қилган Александр Анатольевич Вашурин ва Муратходжа Алимходжае-

"Динамо" жамияти спортчилари Афина шаҳрида (Греция) 2004 йилда бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ўзбекистон терма жамоасига бешта Олимпия медалларини олиб беришди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазири – "Динамо" ЖТСЖ раиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов уларни қабул қилиб, юксак ғалабалари билан қизгин табриклади, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширди. Шу ўринда ҳурматли Вазиримизнинг "Динамо" жамияти

– **Спорт жамиятининг келгуси режалари ҳақида гапириб берсангиз.**

– Бугунги кунда Ўзбекистон "Динамо" ЖТСЖ республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг 393 та жисмоний тарбия жамоасидан иборат. Уларнинг 112 мингдан ортиқ аъзоси бор. "Динамо" жамияти таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари фаолият кўрсатишади. Улар оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этишади ҳамда мувофиқлаштиришади, ўтказиладиган машғулотлар учун замонавий шарт-шароитлар яратишади. Мавжуд спорт иншоотлари реконструкция қилинмоқда, янгилари қурилмоқда, улар зарур спорт жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Сиҳат-саломатлик йили бўйича Давлат дастурида аҳолининг кенг қатламлари орасида жисмоний тарбия ва спортни

ёйиш, айниқса, болаларни спортга жалб этиш, республика миқёсида ва минтақавий мусобақалар, оммавий спорт тадбирлари ўтказиш, бу борада илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, турли спорт клублари, тўғарақлари, машқ заллари тизимини жадал ривожлантириш каби қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Республика "Динамо" ЖТСЖ бу вазифаларни бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўзбекистон "Динамо" ЖТСЖга таъсисчилари – Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва МХХ ҳар томонлама яқиндан ёрдам бераётганини, бу эса жамиятимиз ривожига омил бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

– **Зокиржон Аҳмедович, Сизни ва Сиз орқали барча динамочиларни шонли сана билан табриклаймиз. Марҳамат, тилақларингиз...**

– Табрик учун раҳмат. Имкониятдан фойдаланиб, барча динамочиларни, фахрийларимизни тарихий сана билан табриклайман, уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик тилайман. Етакчи спортчиларимиз эса ўзларининг спорт соҳасидаги ютуқлари билан жонажон Ватанимиз – Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада орттиришларига тилақдошман.

Сухбатдош:
Эркин САТТОРОВ.

Суратларда: динамочилар машғулотлар пайтида.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

«ДИНАМО»

ЮКСАЛИШ ПОҒОНАСИДА



вич Турсунходжаевлар бор эди.

– **"Динамо" ЖТСЖ мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қандай ютуқларни қўлга киритди?**

– Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов: "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди", деган эдилар. Дарҳақиқат, шундай. Айниқса, мустақиллик йилларида динамочиларимиз – боксчилар Муҳаммадқодир Абдуллаев, Сергей Михайлов, Рустам Саидов, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, курашчилар Артур Таймазов, Александр Дохтурашвили, Магомед Ибрагимов, дзю-дочи Армен Багдасаров каби йигитларимиз юртимиз довуғини дунёга таратишди.

моддий техник базасининг ривожланишига ҳамиша катта эътибор бериб келаётганликларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Спорт соҳасида эришган юксак натижалари учун "Динамо" жамиятининг 18 нафар вакили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланишган.

Ҳалқаро Олимпия Кўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч: "Ўзбекистон бугун спортга, оммавий жисмоний тарбияга юз тутган мамлакатдир", – дея эътироф этган эди. Юртимизнинг бундай эътирофга сазовор бўлишида динамочиларнинг ҳам муносиб хизмати бор.



Фахрийлар – фахримиз

ОТА ИЗНИ ЎЧМАЙДИ

...Янгийўл шахридаги "Лаззат" кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасида давлат мулкани талон-торож қилинаётгани ҳақида хабар олинди. Бу йирик корхонада рўй бераётган ўғрилиқни фош этиш осон эмасди. Чунки, маҳсулотлар ўз вақтида чиқар, савдо дўконларига режалаштирилган товарлар етказиб бериларди. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг таркибидаги хомашёларнинг бир қисми ўмарилиб, дўконларга яширинча етказиб берилар, тушган пул директор бошлиқ катта гуруҳ ўртасида тақсимланарди. Ана шу жиноятни очиш лозим эди. Лекин бунинг ўзи бўлмасди. Устаси фаранг юлғичлар ҳар бир ишни ўта пухталиқ билан амалга оширадидилар. Уларни фош этиш учун кондитер ишлаб чиқариш технологиясини билиш зарур. Калаванинг учини топиб, жиноятни исботлаб берган ички ишлар ходими Руслан Мадрахимовнинг номи бутун мамлакатга ёйилади. Маълум бўлишича, корхонада ишлаб чиқариладиган печенье, ширинликлар, қандолатчилик маҳсулотлари учун сарёғ, шакар, ун, маргарин, тухум, коньяк, спирт ва бошқаларнинг аксарияти корхона дарвозасидан кирмаёқ йўқ бўлиб кетаркан. Сифатли, олий навли хомашёлар ўрнига иккинчи нав, сифати паст хомашёлар ишлатилган ёки озгинаси кўши-

либ, қолгани дўконлардан жой олган. Бу талон-торожликда иштирок этган 32 нафар киши жиноий жавобгарликка тортилади.

Бу жиноятни фош этиш учун, аввало, билим, маҳорат, ҳушёрлик, пухталиқ зарур эди. Руслан Мадрахимовда ана шу хислатлар етарли бўлгани учун, яна бир томони ишга ҳалол ёндошгани сабабли мақсадга эришади. Ана шу иш юзасидан тўпланган материаллар, жиноятни фош этиш усуллари китоб ҳолига келтирилиб жойларга тарқатилди. Ёш ходимлар, ҳуқуқшунослик илмини ўрнаётган талабаларга қўлланма сифатида тавсия этилади.

Истеъфодаги полковник Руслан Мадрахимов ёш ходимлар билан учрашганда ана шу воқеани эслаб гапириб беради. Агар у ҳалоллик қилмаганида иш бошқача бўлиши, юлғичлар яна кўп вақт давлат мулкани талон-торож қилиши мумкин эди.

Руслан Мадрахимов асли Хива шахридан. Оиладаги фарзандлар ичида фақат у ота изидан борди. Отаси Абдурахим ака 1932-1954 йилларда Хива шахрида участка ноизи бўлиб хизмат қилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бутун шаҳарда бир ўзи инспекторлик қилган.

– Аввалига санъаткор бўлишга аҳд қилиб, Филармонияда доира чалиб юрдим,

– деди Р. Мадрахимов. – Лекин милиция формасида юрганларни кўрганимда уларга ҳавасим ортаверарди. Яна бир томони отам ўз иш фаолиятлари ҳақида кўп гапириб берардилар. Шулар таъсирида доирачиликни ташлаб ички ишлар хизматида кирдим.

Р. Мадрахимов хизматни Тошкент шахридаги собиқ Киров тумани милиция бўлимида санитария инспектори лавозимида бошлади.

– Ҳозирги кунда нафақада дам олаётган истеъфодаги генерал-майор Жўра Аъзамов хизматдаги биринчи устозим бўладилар. Улардан бир умр миннатдорман. Менга оталик насиҳатларини қилиб, тўғри йўлга бошлаб, бу касбнинг қийинчиликларини енгиб, кўникиб кетишимда хизматлари катта, – дейди Р. Мадрахимов.

Руслан ака ўз фаолияти давомида асосан жиноят қидирув хизматида ишлади. Кўплаб ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликларни фош этди. Талон-торож қилинган давлат мулкларини айбдор, юлғичлардан қайтариб олишда жонбозлик кўрсатди.

– Русланда ёшларга ўрناк бўладиган, намуна оладиган бир хислат бор, – деди унинг сафдоши, истеъфодаги полковник Рауф Фахрутдинов. – Бир ишни бошласа тугатмагунча тинчимасди, қолганларни ҳам ҳоли қўямасди.

Аслида ички ишлар ходими, айниқса, жиноят қидирув хизматидагилар ана шундай бўлиши керак.

Р. Мадрахимов Тошкент шахри, Тошкент, Хоразм вилоятлари ички ишлар бошқармаларида, Республика Ички ишлар вазирлигининг жиноят қидирув хизматларида тезкор вакил, бўлим бошлиғи ва бошқа лавозимларда ишлади. Унинг хизматдаги катта тажрибаси, раҳбарлик фаолияти ҳисобга олиниб Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари, Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари вазифаларига тайинланди. Хазорасп, Урганч тумани ички ишлар бўлимларини бошқарди.

Истеъфодаги полковник Руслан Мадрахимов бундан роса 45 йил муқаддам филармонияда хизмат қилиб юрганида, ҳозирда машҳур хонанда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Олмагон Хайитова билан бахтини боғлади.

– Руслан ака, атоқли санъаткор билан бирга яшабсиз. Балки филармониядан кетмаганингизда сиз ҳам Олмагон опадек санъаткор бўлармидингиз, – дея сўрадик.

– Санъатни ҳали ҳам севаман, – дея жавоб берди Р. Мадрахимов. – Лекин мени ўрним ички ишлар хизматида эканини қалбдан ҳис қилдим ва шундай бўлди ҳам. Санъатда наридан бери



иштирок этиб юришни ёқтирмайман. Гоҳида палаттиш айтилган сўзи мусиқасига, мусиқа рақсига тушмаган ашулаларни эшитиб гижиниб кетаман. Аллоҳга шукрлар бўлсин, ҳаётда ўз ўрнимни топдим.

Ҳа, Руслан ака Мадрахимов фахрланса арзийди. У жамиятда муносиб обрў топди. Айни кунларда нафақада дам олаётган бу фидойи инсонни шоғирдлари тез-тез йўқлаб туришади. Уни гоҳ Тошкентда учратсангиз, гоҳ Хоразмдан топасиз. Икки ўғли унинг изини давом эттиряпти. Катта ўғли Фурқат Мадрахимов Тошкент вилояти ИИБда, кичик ўғли Санъат Мадрахимов эса Хоразм вилояти ИИБда хизмат қилишапти. Оиладаги икки қизи эса ҳуқуқшунослик касбини танлашган. Невара, эваралар ичидан ҳам ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари етишиб чиқишига ишончи комил. Бундан Руслан ака ич-ичидан қувонади. Чунки ота изи ўчмайди.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Хизматларда

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРА БЕРЯПТИ

Богот тумани ИИБ ходимлари ўтказилаётган "Фуқаро", "Орият", "Арсенал", "Тун", "Антитеррор" каби ўнлаб тадбирларда фаол иштирок этишмоқда. Натижада туман ҳудудида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши кескин камайди.



Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаоллар билан ҳамкорликда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйдик. Ўйлайманки, бундай саъй-ҳаракатлар ижобий самара беради.

Халқ осойишталигини таъминлашда туман ИИБ ЖТСБ катта инспектори, капитан Низомий Ёқубов, профилактика инспекторлари, капитан Баҳром Искандаров, катта лейтенант Эргаш Оллаберганов, лейтенант Шавкат Бозоров, кинолог, сержант Руслан Матвафоев каби жонқуяр ходимларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Суратда: профилактика инспектори, катта лейтенант Эргаш Оллаберганов маҳалла посбонлари сардори Қудрат Худойберганов билан кундалик иш режалари хусусида суҳбатлашапти.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

Зайдулла гиёҳвандлик моддаларини уйланмасдан аввал ҳам истеъмоқ қилар, ҳар замонда сотиб, бангиларнинг ҳолатини чиқариб турарди. Бироқ бу қилмиши ички ишлар ходимлари томонидан фош этилмагунча кўпчилик билмас эди. Чирчиқ шаҳар суди унинг гуноҳини тўғри баҳолаб, саккиз йилга озодликдан маҳрум этди.

Саккиз йил. Бу эсли-хушли, бир оила бошлиғи, ота-онанинг суянган тоғи бўлган эр йигитнинг ақлини йиғиб, ҳаётига жиддий қараш, яшашдан мақсадни белгилаб олиши, яхши-ёмондан ажратиши учун етарли муддат. Тақдир ҳазилини қарангки, у жазони ўташ муассасасида қисмати ўзиники билан деярли бир хил, фақат ёшида бир ёшгина фарқ бўлган Мухриддин билан тўпишди. Улар тезда аппоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

"Ёмон йўлдош ёв бўлар, равон йўлда ғов бўлар" нақли шу иккисига берилган таъриф чоғи. Ҳолбуки, юқорида айтганимиздек, сўкира бўлишмаси бир-бирига тўғри йўлни кўрсатмасмиди, хатоларини тuzатиб, ҳалол яшашга интилишмасмиди? Бирин-кетин озодликка чиққан икки ҳамтовоқ яна эски "хунар"ларини бошлаб, бойлик орттиришни режалаштиришди. Бири гиёҳвандлик моддаларини тайёрладиган, иккинчиси унга харидор топадиган бўлди. Аммо уларнинг бун-

дай "топқирлиги" узокқа чўзилмади.

– Ҳар бир одамда аввало яхшилик хислатларини кўргинг келади, – дейди Чирчиқ шаҳар ИИБ тергов бўлими бўлинма бошлиғи,

ЁМОН ЙЎЛДОШ ЁВ БЎЛАР...

майор Ф. Хусанов. – Айниқса, ўз қилмишининг аччиқ меvasини тотган шахсларда. Афсуски, оқни қорадан ажрата олмайдиган, зое ўтган умри учун ачинмайдиган, тирикликнинг қадрига етмайдиганлар ҳам бор орамизда.

Шаҳар ИИБ ходимлари ўтган йили 2 кг дан ортиқ гиёҳвандлик моддалари савдоси ва тарқатилишининг олдини олишди. Корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, аҳоли, яшаш

жойларида тарғибот ишларини йўлга қўйишди. Гиёҳфурушликнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар захри қотилни турли йўллар орқали сотмоқчи бўлган шахсларни фош этипти. Бу борада ҳамшаҳарларимизнинг ҳушёрлиги, жиноятчилик билан мурасасизлиги қўл келяпти. Яқинда уларнинг зийраклиги туфайли бозорда ўз "мол"ига мижоз қидириб юрган қўшни туманлик Р. Зокир ушланди. Жуда усталик билан яширилган оғуни афтидан ходимлар тополмай-

ди, деб ўйлаган Зокир бир неча сония ўтмаёқ ўзига ортиқча баҳо берганини англади. Гиёҳфурушлар ўйлаб топаётган найранларни фош этишда ЖК ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, майор А. Рашидов, катта тезкор вакил, подполковник Э. Ташметов, тезкор вакил, капитан Д. Мамажоновлар сергаклик кўрсатишмоқда. Иш устасидан кўрқар, деб шунга айтсалар керак-да.

Мухаббат ИБРАГИМОВА.

«Noemga» gazetasining ilovasi



HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

OLAM

Синоат

“13” ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ҲОСИЯТСИЗ РАҚАММИ?

Аксар мамлакатларда одамлар бу рақамга турлича муносабатда бўлишган. Ҳар ҳолда, бефарқ бўлишмаган. Уни баъзилар омад келтирувчи, айримлар хосиятсиз рақам ҳисоблашган. Европадаги баъзи мамлакатларда уй бекалари меҳмондорчиликка ишқилиб ўн учта меҳмон келмасин-да, деб юракларини ҳовучлаб ўтиришарди. Ашаддий қиморбозлар эса айнан “13” рақами ўзларига омад келтиради деб ишонишади.



Ҳақиқатан ҳам бу сонда ўзига хос куч-қудрат, сир-синоат бўлиши мумкин. Чунки у мучал, мукамаллик, тугалланишни англатадиган “12” рақамидан кейин келади. Зеро, буюк ўзгаришлардан сўнг тартибсизликлар бошланиши ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, мазкур рақам қадим замонлардан буён кўпроқ хосиятсизлиги билан одамлар тилига тушган.

Айтишларича, Македония қироли Филипп Иккинчи охирини ўйламасдан юнонлар сиғинадиган ўн икки маъбудлар ҳайкалчалари қаторига ўзининг ҳам ҳайкалчасини қўшади. Шундан сўнг кўп ўтмай ваҳшиёна ўлдирилади.

Исо Масих сўнгги машъум оқшом шогирдлари даврасида овқатланганида ўн икки хаворий қаторида ўн учинчи киши – сотқин Иуда ҳам бор

эди. Балки насроний динига эътиқод қилувчи уй бекалари хонадонларига шунинг учун ўн учинчи меҳмон ташриф буюришидан чўчишар.

“Каббала” номли сонлар тўғрисидаги муқаддас китобда ўн учта ёвуз руҳ ҳақида маълумот берилган. Унда “13” илон, аждаҳо, шайтон ва қотилни англатиши айтилади. Қадимги Вавилонда каби-са йилининг ўн учинчи ойи совуқ хабарлар етказувчи қарға тимсоли бўлган. Хуллас, ҳозиргача “13” рақами хосиятсиз саналади.

Аммо юқорида айтганимиздек, бошқача фикрлар ҳам мавжуд. Баъзилар уни куч-қудрат тимсоли деб билишади. Қадимги юнонистонликлар бош маъбуд Зевсга қолган ўн икки маъбуд бўйсунган деб ҳисоблашган. Буюк Хлодвиг (466-511 йилларда-

ги франклар қироли) қайлиги Клотильдага никоҳ маросими чоғида бахт-саодат рамзи сифатида ўн учта денье (қадимий танга) совға қилган.

Бу рақам Исо Масих ва унинг ўн икки хаворийси ўртасидаги мангу меҳру муҳаббатнинг ифодасидир деган ақидалар ҳам юради. Насронийлар учун “13” Биби Мариям номи билан боғлиқ. Исо Масихнинг онаси бўлган бу аёл шайтоннинг бошини уриб ёрган дейишади руҳонийлар. Қолаверса Мария исмидаги биринчи “М” ҳарфи латин алифбосида ўн учинчи ҳарфидир.

Америка ҳиндулари – ацтеклар “13” рақамини вақт билан, аниқроғи унинг бошланиши билан боғлашган. Яна улар ушбу рақам самовий кучларга ҳам боғлиқ деб тасаввур қилишган. Улар си-

финган бош маъбуд сочи ҳам, соқоли ҳам ўн уч тутамлик қилиб тасвирланган.

Қадимги хитойликлар маъбуд Хуан Ди шарафига кўплаб ибодатхоналар бунёд этишган. Императорнинг хизматкорлари ҳар ойнинг ўн учинчи куни маъбудга атаб қурбонлик қилишарди.

Кундузги соат 13.00ни бир деб аташимиз ҳам бежиз эмас. Бу вақтнинг тугаши ва янги вақтнинг бошланиши демакдир. “13” сони ўлимни англатиши масаласига келсак, табиатда ўлимдан кейин яна ҳаёт бошланади.

Бугунги кунда ҳам ўн уч рақамига муносабат турлича. АҚШдаги кўплаб меҳмонхоналарда на 13-хонани ва на 13-қаватни учратасиз. Америка авиакомпанияларининг самолётларида 13-кресло (жой) ҳам йўқ дейишади.

Франциянинг йирик шаҳарларида 13-уйларга “12-бис” деб рақам қўйилади.

Шунга қарамай Америкада “13” сони кўпроқ хосиятли ҳисобланади. Кўплаб Америка рамзларида уни учратиш мумкин. АҚШ гербидаги бургут

бир панжасида ушлаб турган зайтун новдасида 13 та япроқ ва яна шунча зайтун меваси, иккинчи панжасида эса 13 та ёй ўқи бор. Бургутнинг кўксини тўсиб турган қалқонда ҳам шунчадан қизил ва оқ йўллар бор. Қушнинг боши узра кўриниб турган осмонда ўн учта юлдуз кўзга ташланади. Бургутнинг тумшуғидаги қоғоз парчасида латинчасига “E Pluribus Unum” деб ёзилган. Бу “Кўпдан – бир” деган маънони англатади. Яъни ўн учта колониядан битта миллат юзага келгани назарда тутилади. Эътибор қилсангиз, ушбу шиорнинг ўзида ҳам 13 та ҳарф бор. Америка Қўшма Штатлари ташкил топганида таркибида ўн учта штат бор эди. Булардан кўриниб турибдики, тақдирнинг ўзи америкаликлар учун мазкур рақамни муқаддаслаштирган.

Британияликларнинг ҳам “13” рақамига муносабати диққатга сазовор. Англиядаги автомобиль йўлининг серкатнов қисмида ўтказилган тадқиқот натижалари айнан ойнинг 13-куни ва жума куни йўл-транспорт ҳодисасидан

кейин оғир тан жароҳати олиш ҳолати хавфи 50 фоизга ортишини кўрсатди. Балки иримчи ҳайдовчилар шу кунлари қаттиқ асабийлашгани учун шундай бўлар?..

Таваккал қилишни яхши кўрувчилар ойнинг 13-куни, хусусан жума куни тақдир билан ўйнашиб, қимор ўйнашни ёқтиришади. Ойнинг 13-куни жума билан бир кунга тўғри келганида Франция Миллий лотереяси бу кунни омадли ҳисобловчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун қўшимча ўйин тиражларини ташкил этади. Ушбу рақам билан боғлиқ яна кўплаб ҳайратомуз воқеалар юз берган.

“Аполлон-13” космик кемаси 1970 йил 11 апрель куни соат 13 дан 13 дақиқа ўтганда самога парвоз қилади. Орадан 50 соат ўтиб, яъни 13 апрель куни соат 21 дан 7 дақиқа ўтганида кутилмаган ҳодиса юз берди: Ердан 330000 км баландликда кислородлик резервуарлардан бири портлаб кетади. Шундан сўнг “Аполлон” экипажи Ойга парвозни тўхтатиб, Ерга қайтишга мажбур бўлади.

Британиялик бир хаёлпараст мамлакат қироличаси флотининг бир гуруҳ денгизчиларини ўзининг 13-рақамли кемаси бортига кўтарилишга кўндиради. Уларни ўн уч хосиятли рақам деб ишонтиришга муваффақ бўлади. Фрайди (инглизчасига жума дегани) фамилияли капитан бошчилигидаги экипаж ойнинг 13-куни очик денгизга чиқди. Шундан сўнг кемани ҳам, экипаж аъзоларини ҳам қайтиб ҳеч ким кўрмади.

Қарангки, бошқаларга қанақалигини билмадигу, аммо француз кинорежиссёри Клод Лелюшга “13” рақами ростдан ҳам омад келтиради, шекилли. Авваломбор унинг исми шарифи французчасига ёзганда 13 та ҳарфдан иборат. Киностудиясини ойнинг ўн учинчи куни ташкил этган. Унга “Фильмлар-13” деб ном қўйган.

Буюк рус файласуфи В. Соловьёв айтганидек: “Ўн уч рақамига эътиборли бўлинг. Унда кўплаб сир-асрорлар, тасодифлар мужжасам!” Ҳойнаҳой, биз ҳам бу доно маслаҳатга амал қилсак кам бўлмасак керак. Яна ким билсин... (N)

BOLALAR SAHIFASI

Kunlardan bir kun...

EDTA EKKAN ERTI O'RADI

Yorqinning dadasi dala hovli sotib oldi. Bir tomoni keng dalaga tushgan hovlini ko'rgan Yorqin juda xursand edi. Ayniqsa sal naridan oqadigan anhorni aytmaysizmi? Endi yozda maza qilib cho'miladi. Avvaliga hovlidagi ixchamgina uyni ta'mirlashdi. Keyin dadasi xizmat safariga ketdi. U keta turib Yorqin-ga dala hovlidagi xabar olib turishni tayinladi.

Bahorning iliq kunlarining birida Yorqin do'sti Olim bilan dala hovliga kelishdi. Ular uyda biroz bo'lib, dalaga chiqishdi. Varrak uchirishdi, keyin turnalarning uchib borayotganini tomosha qilib o'tirishgan edi keksaroq bir kishi yonlaridan o'tib qoldi. Bolalar darrov salom berishdi.

- Barakalla yigitchalar, shaharlikka o'xshaysizlar-a? -so'radi qariya.

- Ha, shu hovlini sotib oldik, - dedi Yorqin.

- Yaxshi, buyursin, lekin yerning umrini o'tkazish kerak emas, - dedi keksa.

Bolalar bir-birlariga qarashdi.

- Tushunmadinglar-a, yerning ham umri bo'ladi, bolalarim. Unga vaqtida ekin ekilmasa, foydalanilmasa, bekor yotaveradi.

Shaharlik bolalarning hayron bo'lib turganini ko'rgan qariya ularga yerni yumshatish, egat olish kabilarni tushuntirdi.

- O'zing mehnat qilib yetishtirgan hosil shirin bo'ladi, - dedi qariya.

U kishi ketgandan keyin, Yorqin

hujradan belkurak, ketmon topib chiqdi. Ikkovi yerni yumshatishdi, lekin egat olishni bilishmasdi.

Dala aylanib yurgan keksa kishi bolalarning ishini ko'rib:

- Mana endi egat olsa, bo'ladi, - dedi va Yorqinga ko'rsatib berdi.

Kaftdek yerda kichik dala paydo bo'ldi.

-Ertaga ham kelsanglar, men ko'chatlar beraman, ekib qo'yasizlar, - dedi chol.

Yorqin uyga borgach, oysisiga amakining yordami haqida gapirib berdi.

Ertasiga yana ikki do'st dala hovliga borishdi. Boboni kutib o'tirishgan edi, u qo'lida bir dasta turli ko'chatlar ko'tarib keldi.

O'sha kuni bolalar qariya yordamida pomidor, bulg'or qalampiri, baqlajon ko'chatlari va bodring urug'i ekishdi.

Kelgusi hafta kelganida esa unga ekinlarni parvarishlashni o'rgatdi. Shu zaylda Yorqinning otasi safardan qaytganida dala hovlidagi ekinlar avj olib o'sardi. U o'g'lidagi xursand bo'ldi. Mehnatga o'rganayotganidan shodlandi. Ota-bola ekinlarga suv tarashayotganda keksa kishi yana paydo bo'ldi.

- Mana o'g'lim, endi yerning umrini bekorga o'tkazmaslikni tushundingmi? - dedi qariya. - Yerga qancha ko'p ishlov berib, ekin eksang, seni boqadi, foydasi tegaveradi.

O'sha yili Yorqin ekkan ekinlari kuzgacha hosil berdi.

Sadridin ABDULLAYEV.



NASHIHAT

- Bobojon, - dedi nabira, - siz tinmaysiz. Bir qaragam gulqaychini olib daraxtlarga shakl berasiz, bir qaragam taglarini yumshatasiz. Shunday qilishingiz kerakmi?

Bobo biroz o'ylandi-da, javob berdi:

- Men senga nasihat qilaman-a?

- Ha.

- To'g'ri yo'lni korsataman-a?

- Ha, bobojon.

- Daraxtlarga ishlov berganim, Ularga qilgan nasihatlarimdir.

-Ular nansihatingizni oladimi?

- Ha, nasihatlarimni olishadi.

Keraksiz shoxlarni kesaman, hosil beradigan shoxini qoldiraman. Taglariga ishlov beraman, o'g'itlayman. Natijada...

- Natijada nima bo'ladi?

- Natijada hosil mo'l bo'ladi. O'zing ayt. Hosil yaxshi bo'layaptimi?



- Ha, bobo daraxtlar yaxshi meva beryapti.

- Daraxtlarning hosili mo'l bo'layotgani mening nasihatlarimni olganida! Endi uqdingmi?

-Ha, uqdim, bobojon.

Jaloliddin TURDIEV,
urush va mehnat faxriysi.

Chapdagi uychedan Ikki cho'pni surib, o'ngdagi uychedan ikki cho'pni yasash mumkin.



RASMLARDAGI BESHTA FARQNI TOPING



			Yutuqli o'yin	Shimoliy qutb	Yirtqich gush		Hisob ilmi
			10x5		...kan		
			Zabon				
				Shamol			..loq Baxt...
					Doston		
					Usta		
	Uy hayvoni		Nota				
			Qisqa				
	Asal		...baravar				
			...hayot				
			Qish ziynati	Tufayli			
Bolalar shirinligi		Tojikiston'dagi tog'					Orzu

ДУШАНБА

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45-23.5 даражали бурчак остида»

«Ёшлар» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45-23.5 даражали бурчак остида»

«Уғрини ушла»
20.20 «Ешлар даврасида»
21.20 «Хамшахарлар»

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонги дам олиш дастури

21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «Полный привод» комедия

ОРТ

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Фильм «Папа»

9:50 «Что хочет женщина»
11:30 Триллер «Скрытая угроза»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30 Мультфильмы.

ФИА»
3:00 «СЕГОДНЯ»
3:10 Серил «ПЕРВЫЙ ПОНЕДЕЛЬНИК»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30 Мультфильмы.

нальных новостей.
1.35 Мужской тележурнал «Арсенал»

ТНТ

4.55 «Москва: инструкция по применению»
5.15 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»

10.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ»
Серил.
11.30 Кино на СТС. «ОБНАЖЕННОЕ ОРУЖИЕ»

7 ТВ

6.00 9.30 16.30 4.00 5.00 Линия жизни.
6.30 11.30 14.30 18.30 22.30 0.00 3.00 4.30 Спортивные танцы.

«Тошкент» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда серил: «Австралиянинг ёввойи табиати»

30-й канал

16.55 гача-профилактика ишлари
16.55 Открытие программы

РТР

2:00 «Доброе утро, Россия!»
5:45 Фильм «Обыкновенный человек»

ОРТ

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Звезда эпохи». Серил

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 Серил «СКОРЯЯ ПОМОЩЬ»

ДТВ

8.00, 8.30 Мультфильмы.
8.55, 19.25 «Неслучайная музыка»

СТС

7.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Серил.
7.40 «Сказки лесных чело­вечков». Серил.

СТС

7.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Серил.
7.40, 7.50, 8.00 Мультфильмы.

СЕШАНБА

26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» почтаси.

«Австралиянинг ёввойи табиати» (яқунловчи)
17.30 «Табриклимиз-қутлаймиз»

«Sport» телеканал

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонги дам олиш дастури

14.00 «Полный привод», комедия
15.40 «Ошикона», мусикий дастури

ОРТ

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Звезда эпохи». Серил

2:00 «Доброе утро, Россия!»
5:45 Мелодрама «Всегда говори «всегда» - 2»

РТР

2:00 «Доброе утро, Россия!»
5:45 Мелодрама «Всегда говори «всегда» - 2»

15.50, 16.15 Мультфильмы.
16.35, 16.55, 22.40 «Звездная семейка»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30 Мультфильмы.

4.50 Москва: инструкция по применению.
5.15 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»

ТНТ

4.50 Москва: инструкция по применению.
5.15 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ»

11.30 Кино на СТС. «И ПРИШЕЛ ПАУК»
13.35 Скрытая камера.

7 ТВ

6.00, 9.30, 16.30, 4.00, 5.00 Линия жизни.
6.30, 11.30, 14.30, 18.30, 22.30, 0.00, 3.00, 4.30 Спортивные танцы.

«Тошкент» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда серил:

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»

ОРТ

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Звезда эпохи». Серил

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 Серил «СКОРЯЯ ПОМОЩЬ»

ДТВ

8.00, 8.30 Мультфильмы.
8.55, 19.25, 2.05 «Неслучайная музыка»

СТС

7.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Серил.
7.40, 7.50, 8.00 Мультфильмы.

СТС

7.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Серил.
7.40, 7.50, 8.00 Мультфильмы.

СТС

7.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Серил.
7.40, 7.50, 8.00 Мультфильмы.

ЖУМА, 29

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Жилоланмаган Африка».

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш утирма.

Бадий фильм «ФРЭНКИ ВА ЖОННИ»

маликаси. Бадий фильм.
14.50 Очун.
15.15 «Даллас». Телесериал.

«Тошкент» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Ит уиси».
17.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш дастури.

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.

17.00 «Хабарлар» (Рус тилида).
17.15 Мультфильм.
17.20 Хужжатли фильм.

30-й канал

12.00 Открытие программы.
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор».
12.25 «Детский час».

ОРТ

5.00 «Доброе утро».
8.00 Новости.
8.05 «Звезда эпохи». Сериал.

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 Сериал «СКОРАЯ ПОМОЩЬ»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00, 23:00 «СЕГОДНЯ»

ДТВ

8.00, 8.30 Мультфильмы.
8.55, 19.25, 2.10 «Неслучайная музыка».

РТР

2:00 «Доброе утро, Россия!».
5:45 Мелодрама «Всегда говори «всегда» - 2».
6:45 «Мой серебряный шар».

ДТВ

8.00, 8.30 Мультфильмы.
8.55, 19.25, 2.50 «Неслучайная музыка».

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
8:05 Сериал «СКОРАЯ ПОМОЩЬ»
9:00, 12:00, 15:00, 18:00 «СЕГОДНЯ»

ТВ 3

7.30 Победоносный голос верующего.
ВЕТЕР.
19.30 Игровое шоу «Время - деньги!».

8.00, 8.30, 9.00, 9.30 Мультфильмы.
10.00 Фильм «РОДНЯ».
12.00 Фильм «ТРИ ТОЛСТЯКА».

ДТВ

8.00, 8.30 Мультфильмы.
8.55, 19.25, 2.50 «Неслучайная музыка».

ТНТ

4.50 Москва: инструкция по применению.
5.15 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ».

СТС

7.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210».
7.40, 7.50, 8.00 Мультфильмы.

17.00 «Школа ремонта».
18.00, 0.20 «Живой журнал».
18.30 Москва: инструкция по применению.

СТС

7.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210».
7.40, 7.50, 8.00 Мультфильмы.

7 ТВ

6.00, 9.30, 16.30, 4.00, 5.00 Линия жизни.

НТВ, якшанба

23.00 Жангари фильм «ТЕНТАК МАКС - 3: МОМАКАЛДИРОК ГУМБАЗИ ОСТИДА».

НТВ, жума 22.35 Бадий фильм «ФРЭНКИ ВА ЖОННИ».

Жонни қалбаки чек ясагани учун бир ярим йилга қамалади. Озодликка чиққач кичик бир кафедра ошпаз бўлиб ишлай бошлайди.



Ролларда: Аль Пачино, Мишель Пфайффер, Нэтэн Лэйн.

ТВ 3, шанба 1.30 Бадий фильм «АРГЕНТИНА ХАКИДА ОРЗУ КИЛИБ» («МЕЧТАЯ ОБ АРГЕНТИНЕ»).

Буэнос - Айресдаги болалар театри директори Карлос Руэд бир куни уйига келса, диктаторлик режими ҳақида танқидий мақола ёзган хотинини ҳарбийлар ўғирлаб кетишиди.



Ролларда: Антонио Бандерас, Эмма Томпсон.

СТС, якшанба 3.45 Криминал драма «ШАХАРДАГИ ИККИ КИШИ» («ДВОЕ В ГОРОДЕ»).

Жино бир куни банка ўғирликка тушади. Ўн йилдан сўнг озодликка чиққач ҳалол яшагач қарор қилади.



Ролларда: Ален Делон, Жан Габен, Мишель Буке, Мимси Фармер, Виктор Лану, Бернар Жиродо, Жак Моно.

НТВ, якшанба 23.00 Жангари фильм «ТЕНТАК МАКС - 3: МОМАКАЛДИРОК ГУМБАЗИ ОСТИДА» («БЕЗУМНЫЙ МАКС-3: ПОД КОПОЛОМ ГРОМА»).

Бартертаун шаҳри ҳукмдори дайди Максни ваҳшиёна олишувда қатнашишга мажбурлайди. Кейин эса огир аҳволда саҳрода қолдириб кетади.



Ролларда: Мэл Гибсон, Тина Тернер, Хелен Будэй, Фрэнк Тринг, Брюс Спенс, Роберт Грабб, Анжело Россито.

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Жилловланмаган Африка». Хужжатли телесериал.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 8.50 Олтин мерос. 9.00 Давр. 9.25 «Муҳаббат жоҳароси». Телесериал.

«Тошкент» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Мультчархпа-лак».
17.35 «Табриклаймиз-Кутлаймиз».
17.55, 19.20 «Экспресс» телегазетаси.

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 17.25, 21.40 «Телехамкор»
9.25 «Детский час»
9.50 «Чиполлино», сказка

РТР

3:00 Комедия «Дамы приглашают кавалеров»
4:15 «Большая перемена»
4:40 «Золотой ключ»
5:00, 8.00, 11.00, 17.00 ВЕСТИ.

ТВ 3

7.30, 8.00, 8.30, 9.00 Мультфильмы.
9.30 «Черепашки-ниндзя: новые приключения-15».

ТНТ

6.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3». Сериал.
6.50 «Каламбур».
7.20 «ДЖИВС И ВУСТЕР». Комедийный сериал.

СТС

7.00 «СТРАНА ФЕЙ». 1-я серия.
8.15, 8.50, 9.20, 9.30, 10.00 Мультфильмы.
10.15 «Полундра!» Телеигра.

7 ТВ

6.00, 9.30, 16.30, 4.00, 5.00 Линия жизни.
6.30, 8.30, 13.00, 18.30, 23.00, 3.00, 4.30 Спортивные танцы.

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.

20.30 «Тенгдошлар».
21.00 «Нима учун?»
21.30 Кинонигоҳ: «По-ездаги катта угрилик».

«Спорт» телеканал

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.

15.45 «Укротитель вулканов» приключения
17.45 «Музыкальная пауза»
18.20 «Рыжая Соня», фантастика

ОРТ

5.00 Новости
5.10 Фильм «Сынвья уходит в бой»
7.00 «Жилище святого духа». Док. фильм

НТВ

4:50 Мультфильмы
5:30 Фильм «В ШЕСТЬ ЧАСОВ ВЕЧЕРА ПОСЛЕ ВОЙНЫ»
7:00, 9.00, 12.00, 15.00 «СЕГОДНЯ»

8.00 «Комната смеха».
9.00 Фильм «Весна на Заречной улице».

ДТВ

8.55 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
9.30, 10.15, 11.15 Мультфильмы.

0.55 Эротическая программа «Голая правда».
2.05 Самое смешное видео.

ТНТ

6.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3». Сериал.
6.50 «Каламбур».
7.20 «ДЖИВС И ВУСТЕР». Комедийный сериал.

Романтическая комедия.
3.05 «ЛИВЕРПУЛЬ-1». Заключительная серия.

СТС

7.00 «СТРАНА ФЕЙ». Фильм.
8.15, 8.50, 9.20, 9.30, 10.00 Мультфильмы.

7 ТВ

6.00, 9.30, 16.30, 4.00, 5.00 Линия жизни.
6.30, 8.00, 13.30, 3.00, 4.30 Спортивные танцы.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ бош инспекторлар гуруҳи бош инспектори, полковник Шукрулло Қодирович **РЎЗМАТОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз. Оиласидан бахт, шодлик, рўзгоридан барака аримасин.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ матбуот маркази бошлиғи, полковник **Азиз Тўғонович ЭРНАЗАРОВ**ни туғилган куни билан самимий қутлаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам саломатлик, ижодий ютуқлар тилаймиз. Оиласидан хотиржамлик, рўзгоридан барака аримасин.

Республика ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ навбатчилик хизматлари раҳбарлик қилиш бўлимининг навбатчи смена бошлиғи, подполковник **Равшан ШОТУРСУНОВ**ни таваллуд айёми билан самимий қутлаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам саломатлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Эхтиром ила ҳамкасблари.

Жиззах вилояти ИИБ ахборот маркази инспектори, подполковник **Мустафоқул БЕГАЛИЕВ**ни қутлуғ 50 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, машаққатли ва шарафли хизматида омад ва ютуқлар тилаймиз.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси инспектори, капитан **Комилжон МУХТОРОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Фарзандлари бахтига доимо саломат бўлиб, уларнинг камолини кўриб, даврасини тўлдириб юрсин. Хонадонидан файз-барака аримасин.

Эхтиром ила ҳамкасб дўстлари.

Республика ИИБ Бирлашган тахририяти хўжалик ишлари мудир **Мухтор МИРЗАЕВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ умр тилаб, яна кўп йиллар саломат бардам бўлиб, фарзандлари, дўстлари ва шоғирдлари даврасини тўлдириб юришини Аллоҳдан сўраймиз.

Ҳамкасблари.

БИР КУЛИШАЙЛИК

– Бу қанақаси? – норози оҳангда тўнғиллади ижарачи уй бекасига. – Хонадонингизда ярим йилдан буён яшаяпману, уйингизда ванна йўқлигини энди айтаяпсиз.

Шифокор:

– Ароқ ичасизми?

Қабулга келган бемор:

– Раҳмат, дўхтир, ҳозир йўлда пиво ичгандим. Аралаштирсам мазам қочади.

– Дўхтир, нима, овқатдан олдин қитак-қитак қилиш ростдан ҳам зарарлими?

– Бу бир қунда неча марта овқатланишга боғлиқ.

Айиқ билан куён бир зарбада қай бири кўпроқ тиш синдириш бўйича мусобақалашадиган бўлишди. Куён узоқдан югуриб келиб айиқнинг жағини мўлжаллаб қўш оёқлаб тепиб сўради:

– Нечта?

– Ун олтига.

Айиқ турган жойда куёунинг юзига қулочкашлаб бир уриб сўради:

– Нечта?

– Тўйта

– Ие, атигами?

– Ҳа, бой-йўғи тўйта тишим бой-да...

– Тўтиқушинг қалай?

– Яқинда ўлиб қолди шўрлик.

– Қаригандир-да.

– Йўқ, аламзадалиқдан. Уйланганимдан буён бир оғиз ҳам гапиролмади-да, бечора.

Ҳайвонат боғида қоплон мўйнасидан тикилган пўстин кийган хоним қоплонлар сақланаётган кафас олдида туриб қолди. Шунда бир қоплон иккинчисига “шивирлади”:

– Энди ўлгандан кейин яна қайта тирилишимиз мумкинлигига ишондингми?

Фил билан куён ўтишаётганида кўприк ғичирлаб кетди. Фил:

– Кара-я, оғир эканмиз-да.

Куён:

– Албатта, ахир, икковимиз-ку! Битта ўзинг бўлганда бошқа гап эди.

Шифокор:

– Ҳар куни ҳеч бўлмаса бир марта пиёда сайр қилинг.

Почталёон:

– Қай маҳал? Эрталаб хат-хабарларни тарқатиб келганимдан кейин айлансам бўлаверадими?

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

КҮЙ. Бошқаларга ёрдам бериш савоб эканини унутманг. Бу ҳафтада ўз муаммоларингизни қандай ҳал этишни тушуниб оласиз. Унча катта бўлмаган саёхатга чиқиш, учрашув кутиляпти. Ишбилармонлар билан мулоқотда кутилмаган ҳолат юзага келиши мумкин. Бу шерикларингиз томонидан одатдан ташқари ҳаракат бўлади.

СИГИР. Бу ҳафтада бемалолчиликка йўл қўйманг, хотиржамлик туфайли режалаштирилган ишлар амалга ошмай қолмаслиги мумкин. Душанбада янги имкониятлар очилиши кутиляпти. Чоршанбада қатъийроқ бўлишингиз керак. Жумада пайдо бўлган ишчанлик туфайли кўп ишларни амалга ошириб оласиз.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафтада дўстлар билан бўладиган ишларда фаол иштирок этасиз. Қариндошлар билан муносабатларни оғирлаштирмасликка ҳаракат қилинг. Ишда сизни шерикликка таклиф қилишлари мумкин. Ўтган ишларни қўйиб, олдинга интилиш фойдали бўлади. Ўзингизга тааллуқли бўлмаган нарсаларни ўйламасликка ҳаракат қилинг.

ҚИСКИЧБАҚА. Муҳаббатда ҳам, ишда ҳам шубҳалардан узоқроқ бўлганингиз маъқул. Бу ҳафтанинг ақлий меҳнат вакиллари учун қизгин иш билан ўтиши кутиляпти. Жамоадаги ёшларга эътиборли бўлинг. Ҳамма вақт меҳрибонлик қилган яхши. Қариндошлар билан муносабатни янада яхшилаш имкони бўлиши мумкин.

АРСЛОН. Ушбу ҳафтада олға қадам қўйишга қулай бўлиши сабабли ўйлаб юрган иш амалга ошиши кутилмоқда. Муҳим масалаларни ҳал этишда айланиб ўтиш усули фойдалироқ бўлади. Чоршанбада жиддий ишларни режалаштирмаган маъқул. Якшанбада маданий дам олиб, ҳордиқ чиқаринг.

БОШОҚ. Шошқолоқликдан эҳтиёт бўлинг. Бу ҳафтада юмшоқ, босиқ бўлишни маслаҳат берамиз. Ўзингиз ҳақида кўп гапириш фойда бермайди. Сешанбада йирик ишларни бошламаган маъқул. Жумада фаолроқ бўлишингиз лозим. Якшанбада бирор жойга бориб дам олган яхши.

ТАРОЗИ. Омадни кутиб ўтирмай уни қувиб етиш афзаллиги шу ҳафтада исботини топади. Ижодий имкониятингиз кўпайиши кутиляпти. Яхши маслаҳат янги ютуқларга йўл очиши мумкинлигини ёдда тутинг. Сешанбада ҳушёрроқ бўлишни маслаҳат берамиз, шошма-шошарлик панд бериши мумкин.

ЧАЁН. Ҳар қандай ҳолатдан чиқиб кетиш учун дадил ҳаракат зарурлигини эсдан чиқарманг. Ўз устингизда кўпроқ ишланг, янги имкониятлар топишингиз мумкин. Душанба куни ишда қарма-қаршилиқ бўлишига йўл қўйманг. Жума куни узоқ муддатга мўлжалланган режага қўл урмаган маъқул, фойдадан зарари кўпроқ бўлиши кутиляпти.

ЁЙ. Камтарга камол иборасининг мағзини чақиб олишни маслаҳат берамиз. Ҳафта давомида лоақал икки-учта масалани ўзингиз ҳал этишга ҳаракат қилинг. Тўғулларга аввал тўғри, фойдали, қатъий қарор зарур бўлишини унутманг. Бошлиқлар билан тортишиб обрў ололмайсиз, муносабатни бузиш мумкин ҳолос.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада бошлиқлар, ҳамкасблар билан хушмуомала бўлиш билан ўйлаган натижага эришиш мумкин бўлади. Сешанбада яхши ютуқлар кутиляпти. Чоршанбада айрим омадсизликларга эътибор бермай мақсад сари интилинг, тушкунликка тушишдан кўра ҳаракат қилиб қолган яхши. Жумада эҳтиёт бўлган маъқул.

ҚОВҒА. Бу ҳафта омадга бой бўлиши кутиляпти. Душанбада фойдаси кўп бўлмаган ишлар билан шуғулланишга тўғри келади, бардошли бўлинг. Сешанбада ҳар қандай масалани тез ва муваффақиятли ҳал этиш имкони ўзингизда эканини унутманг. Яқин кишиларга эътиборлироқ бўлишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ. Ишбилармон шериклар билан муносабат чигаллашиб қолишидан эҳтиёт бўлинг. Бироқ кўзланган режани амалга оширишни кечиктирманг. Ҳар қандай муносабатда эътиборли бўлиш фойдали эканини унутманг. Тил югуриги бошга мақолини эслаб қўйинг. Душанбада дўстлар ёрдамидан баҳраманд бўласиз.

«Маънолар маҳзани»

БЕҒАЛВА БОШ – БОШ ЭМАС
Ишлар ва ташвишлари кўплигидан, боши галвадан чиқмаётганидан қуйинувчи, ҳасрат қилувчи одамларга тасалли бериш мақсадида ушбу мақолни айтадилар.

БИЗНИКИ – ХАЛТАДА, СИЗНИКИ – ЎРТАДА

Ўз нарсасини бировдан қизғанадиган, аммо бировнинг нарсасидан жон-жон деб фойдаланадиган муғомбир, айёр одамларга қарата қочирим қилинади. Вариант: “Бўри ови – ўртада, қузғун ови – тепада”; “Сеникини еяйлик, меникини ўйнайлик”; “Сизникига борганда еяйлигу-йчайлик. Бизникига келганда қўйлайлигу ўйнайлик”; “Сенинг отинг юратурсин, менинг отим туратурсин”. “Амирнинг оти олтин қозикда, фақирнинг оти доим ёзикда”; “Бизники – бизга, Сизники ҳам – Бизга”; “Бугун сиздан, эртага биздан”.

БИР ЁМОН АНЖИР КЕСАР, ИККИ ЁМОН ЗАНЖИР КЕСАР

Мажозий маъноси: “Бир ёмоннинг қўлидан унчаллик катта иш келмайди, аммо икки ёмон биргаликда иш кўрсатса, ҳар қандай қабоҳат ишни қилишга ҳам қодир бўлади. Икки ёмонни ҳатто занжир билан боғлаб қўйсанг ҳам, кесиби кетади”, дейилмоқчи.

Вариант: “Бир ёмон-у бир яхши ўнғашар, икки ёмон занжир кесар”.

БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ – МИНГ МАККА ЗИЁРАТИ

Халқ бу мақолда яхшилик қилиб, кўпчилик тугул, ҳатто бир кишининг кўнглини шод ва обод қилиш (“иморат” солиш) Маккага юз марта бориб, ҳаж қилиб келишдан кўра яхшироқ, ҳайрлироқ эканлигини уқтиради.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким,
каъба вайрон бўлса, обод айлағай.
(Навоий)

Мухтожлик куйида кўнглини овла,
Юракка яқину маъқулни овла.
Бир дилча турмас юз лойхона каъба,
Каъбада нима бор? Бир дилни овла!
(Умар Хайём)

БИР САВАТ ТУХУМГА БИР ТЕПКИ КИФОЯ

Вариант: “Бир гала қарғага бир кесак кифоя”. Бу мақоллар билан: “Ў-хў, кўп экан, деб душмандан кўркма. Сиртидан кўп кўрингани билан, бир зарбалик ҳоли-бор”, деган маънода жангчи йигитларга далда берганлар.

	Инсоний кибфа	Ер кавловчи техника	Сувоқчи асбоби								1	Вилоят	Гузлаб
					Шварц-негер (актёр)	Ҳинд шаҳри	Суа туркуми	Дастлаб	Рост				
	Савдо ходими	Металл иншооти				Буй, қалай				2	Дон маҳсули		
			... ниш				Қон томири	Пай-гамбар					
	Саудиядаги шаҳар	... ёт	Мини-ладиған от			Қишлоқ маскани					Тонги пайт	Арабча ҳарф	
	Кулги			Буй-баст	Тути тури						Бўр-...		
3	Катъият	Дин қридалари	Ундан тайёрланадиган чорва овқати			Ҳамоҳанг куй ижроси	Торли соз	... қон					
			Россиядаги вилоят			Оила мулки					Италия дарёси	Тур, нав	
		4						Рангли металл	Тезкор, илдам				
			Кашта чоки тури			Москва радиостанцияси	Қим-матли қоғоз				Яхудий адиби		
	Хитой сози	Денгиз				Аъзо	Уқинч	5	Ишдаги дўст	Кучли бриткич	... қор		
				Гул Вал қисми	Цирк майдони					Қадимги Волга			
						Кавказ миллати			Ҳабли, уятчанг				
						Экин тури	6			Ҳарбий қисм	Қадимий қурол		
						Абдулла Қаҳҳор ҳикояси		Тук эмас	Маком				
						Грэм (инглиз адиби)				Портловчи қурол	Коста-... (давлат)	Шашмаком куйи	
			Райҳон Беруний		Хайрия	7							
			Тугма доғ	Бугдой нави						Юк кўтариш техникаси	Юк жойлаш мосла-маси		
		8			Неъмат ... (ёзувчи)	Швециядаги порт шаҳар							
	Мавжуд	Радио-актив модда	Боис, сабаб	Россиядаги вилоят	Экватор минтақаси худуди					Ранг			
	Хафта кунн	Марказий Осиё тоғи	Кўрпа қисми	Булут	Осиёдаги давлат	Европадаги пойтахт	Фуқаролик ҳужжати	Баҳо-дир		Рақам	9	Дарё	
						10	Нашрга аъзолик	Кимёвий ашё					
	"Фарҳод ва Ширин" қахрамони			Ов									
				Бетоб									
	Поезд тортади			Набира-нинг фарзанди									
	Кимё моддаси			Маскан, худуд	Сунъий уйку	Тана аъзоси		Буй, ис					
		Нота	АҚШ шаҳри	Хузур, маза				Ёзув ашёси	11				

9	10	1	2		6	10	3	5	,	
8	11	7	4		8	10	3	5	.	

Лобар ОРИПОВА тузди.

ЎТган сондаги сканворднинг жавоблари:

Энига: Манфаат. Айгир. Саховат. Огоҳ. Араб. Мода. Шиша. Аср. Миробод. Калхат. Ас. Оқшом. Фа. Кабардин. Ақиқ. Биз. Жудо. Колумб. Лок. Даллол. Ақл. Ор. Оҳанг. Роза. Мақола. Хок. Сак. Утов. Тўқима. Соя. Электр. Доир. Он. Пича. Дарак. Ари. Аҳвол. Асил. Картошка. Из. Адаш. Кўйлак. Сур. Забардаст. Ре. Муаттар. Қаҳва. Ми. Автол. Мао. Ёдгорлик. Ал. Обид. Гладиатор.
 Бўйига: Хабар. Обод. Наима. Атом. Мўсафид. Фармокология. Оз. Шоир. Одат. Иморат. Арк. Оқсоқол. Ишк. Луб. Жасорат. Докторантура. Фалаба. Оташқалб. Омил. "Чархпалак". Ҳа. Кузов. Оқловчи. Камқонлик. Кисса. Овчи. Экватор. Арава. Ин. Алишер. Ора. Ис. Мўтадиллик. Муҳайё. Маош. Татбиқ. Абр. Ўт. Ўра. Дан. Олам. Аруз. Гаҳ. Об. Ота. Марварид. Салобат. Рафид.
 Қалит сўз: Дори аччиқ, аммо натижаси ширин (Абулҳасан Фаррухий).

СПОРТ + ФУТБОЛ



“Динамо” спорт-соғломлаштириш мажмуида баҳор байрами Наврӯз ва Ўзбекистон Республикаси “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг юбилейига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

БАҲОР ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов сўзга чиқиб, йиғилганларни айём билан қутлади ва спорт жамиятининг ташкил этилиши ҳамда ривожланиши ҳақида гапириб, спорт усталарининг ютуқларига алоҳида тўхталди.

Мамлакатимиз спортининг ривожига катта ҳисса қўшган, юртимиз шарафини ҳимоя қилган маҳоратли динамочи спортчилар, фах-

рий спорт усталари фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тантана иштирокчилари “Динамо” ЖТС жамияти спорт секцияларининг аъзолари ва эстрада артистларининг чиқишини мириқиб томоша қилдилар. Меҳмонлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Ўз мухбиримиз. Суратда: тантанадан лавҳа. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



ҚАШҚАДАРЁ ФУТБОЛИ ЮКСАЛИШДА

ФУТБОЛ. ОЛИЙ ЛИГА

15-17 апрель кунлари футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Олий лигасида 3-тур баҳслари бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, миллий чемпионатимизнинг бу йилги беллашувлари дастлабки турларданок муросасизлик кўринишини олди. Бўлиб ўтган уч тур натижаларига қараб ана шундай хулосага келиш мумкин.

Ҳар йили чемпионатни иккинчи ўрин билан якунлашга ўрганиб қолган “Нефтчи”нинг турнир жадвалида 5-ўринни банд этиб туриши, “Навбахор”нинг ундан бир поғона пастда бораётгани, айниқса, Олий лигага қайтиш ишини бир амаллаб уйдалаган “Самарқанд-Д”нинг кучли тўртликда бораётгани кўпга қизиқарли ўйинларнинг ҳали

олдинда эканлигидан далолатдир.

3-турда “Пахтакор” ўз майдонида Сариосиёнинг “Тўпаланг” жамоасини қабул қилди ва ўз “анъана”сига кўра йирик - 4:0 ҳисобида устун келди.

Чемпионликни кўзлаб бораётган “Насаф” “Бухоро”ни қабул қилиб, яхшигина қаршиликка учради. Аммо барибир тажриба устунлик қилиб, мезбонлар галабани кўлдан беришмади - 2:1.

Наманганда эса турнир энг марказий учрашуви бўлиб ўтди десак, ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. “Навбахор” ва “Нефтчи” учрашувлари қачон бўлмасин, мухлислар билан лиқ тўла стадионда ўтиши аниқ. Бу сафар ҳам 40.000 мухлис ажойиб ва такрорланмас футбол

томоша қилишди. Учрашунинг сўнгги дақиқасигача ким голиб бўлиши ноаниқлига қолаётганди. 90-дақиқага келиб, Тохир Мадраҳимов киритган тўп наманганлик футбол мухлисларига бир олам қувонч ҳадя этди.


Муборакликлар ҳам дастлабки турларданок ўзларининг нималарга қодирлигини кўрсатишмоқда. Кетма-кет уч турда мағлубият нималигини билмаган газчилар 9 очко жамғарган ҳолда учинчи поғонани эгаллаб туришибди.

Шунингдек, 16 апрелда ўтказилган “Қизилқум” - “Локомотив” ва “Металлург” - “Самарқанд-Д” учрашувлари бир хил - 1:1 ҳисобида якунланган бўлса, 17 апрель куни “Шўртан” “Трактор”ни қабул қилиб, 0:2 ҳисобида мағлуб бўлди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

«ПАХТАКОР»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Кеча Осиёнинг бир неча давлатларида Чемпионлар лигаси гуруҳ баҳслари бўлиб ўтди.



“Пахтакор” Саудия Арабистонининг “Ал-Аҳли” жамоасини қабул қилди. Учрашув анчайин қизиқарли кечди. Айниқса, 22-дақиқада бурчак тўпи тепиш билан бошланган Гейнрих-Солиев-Кошелев комбинацияси жуда чиройли гол билан якунланди. Аммо кўп ўтмай рақиблар мувозанатни тенглаштиришгач, пахтакорчилар ҳужумга зўр беришди ва охир-оқибат мақсадга эришдилар. Якуний ҳисоб - 2:1. Ушбу галабадан сўнг вакилларимиз ўз гуруҳларида 6 очко билан иккинчи ўринга кўтарилиб олишди.

“Нефтчи” эса сафарда Катарнинг “Ал-Садд” жамоаси меҳмони бўлди. Эслатиб ўтамиз, дастлабки босқич ўйинларидан кейин фарғоналиклар ўз гуруҳларида иккинчи бўлиб туришибди.

Ўтган ҳафта Қарши шаҳридаги Банк коллежида спортнинг қўл жанги кураши бўйича вилоят ИИБ “Динамо” ЖТСЖ биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг 20 жамоаси, олти вазн тоифасида голиблик учун ўзаро куч синашдилар.


ҚЎЛ ЖАНГИ

Қизгин ва муросасиз кечган ушбу мусобақада умумжамоа ҳисобида 1-ўринни вилоят ИИБ ходимлари қўлга киритишди. 2-ўрин ҳарбий қисм ва 3-ўрин вилоят Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси жамоаларига насиб этди.

Мусобақанинг мутлоқ вазн тоифасидаги баҳсида ҳарбий қисм ходими, сержант Анвар Нормуродов барча рақибларини доғда қолдириб, голиблик шохсупасига кўтарилди. 2 ва 3-ўринларни вилоят Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси ходими С. Норқобилов ҳамда Муборак ТИИБ ходими К. Хушвақтовлар банд этишди.

Голиб жамоа ва курашчилар вилоят ИИБ “Динамо” ЖТСЖнинг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Баҳодир ЭРҒАШЕВ, лейтенант.



Суратда: мусобақадан лавҳа.

Зафар МАҚСАДОВ олган сурат.

35 дан 7 «КАТТА ЛОТТО»

3-ТИРАЖ 20.04.2005

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

2 3 12 16 19 22 27

7 та рақам — йўқ.

6 та рақам — 1 вариантда тўғри кўрсатилган. Унга 612584 сўм берилади.

5 та рақам — 73 вариантда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 13463 сўмдан берилади.

4-тираж учун
ЖЕК ПОТ 250.000.000 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

Кўчаларда тумонат одам. Йўлларда сон-саноксиз машиналар. Ҳар иккиси ҳам манзил сари ошиқади. Кимдир шошиб, кимдир паришонхотирлашиб. Шу пайт йўл-патруль хизмати машинаси чинқириб ўтиб қолади. Бир лаҳза сергак тортамиз ва шу заҳоти яна ўй-хаёл уммонига шўнғиймиз. Қай бир кўчада қай бир инсонлар кўнгилсизликка дучор бўлгани оний лаҳзалардагина бизни сергаклантиради, холос. Кейин эса йўқ. Чунки бу воқеа биз билан содир бўлмади, бўлмади деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, кўнгилсизликка дучор бўлганлар ҳам худди шундай ўйлашган...



амаллаб йўл топиб ўтиб олган аёл бунга ойдинлик киритди.

– “Пастга туш, тепага чиқ” қилиб юргунча йўлни кесиб ўтақолай дедим-да. Вақтимни тежайман. Автобусим ҳам келиб қолувди, шошиб қолдим. Кейин сиз айтётган ерости йўлидан умуман ўтиб бўлмайди. Шунақанги бадбўй ҳид келадики...

Ҳа, мана, гап қаерда экан. Бояги йигитчаларнинг шошиб тушишганию бемалол қайтиб чиқишгани сабабини тушунгандек бўлдик. Хўш, ким айбдор? Ерости йўлларини ҳам ёп-ёруғ қилиб қўйиш, чиройли қилиб безаш, шаҳарнинг ажралмас гўзал бир қисмига айлантириш кимнинг зиммасида? Айниқса, у инсон ҳаётининг дахлсизлиги билан бевосита боғлиқ бўлса? Бугун шаҳарларимизнинг кун сайин эмас, соат сайин гўзаллашиб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, нима, ерости йўллари

сон ҳаётига масъул бўлган ҳайдовчиларимиз ё бекатдан ўтиб тўхтади ё етмасдан. Бир бекат одам гур этиб ё олдинга ёки орқага чопиши керак. Бунинг устига айрим шошқалоқ ҳайдовчилар эшикларни ёпмай туриб ҳам ҳайдаб кетаверишади.

“Жанубий вокзал” бекати ҳаммамизга таниш – бир-бирига қарама-қарши жойлашган. Ўртадаги йўл эса бетон билан иккига бўлинган. Йўлни кесиб ўтиш мумкинлигини билдирувчи биргина белгини кўрасиз, холос. На “зебра”, на светофор ва на ерости ўтиш йўли бор. Гоҳида йўловчилар машиналарни тўхтатиб ҳам йўлдан ўтиб кетаверишади. Йўл белгиларини ўрганишга ўрганамиз-у, аммо керакли жойда уни топа олмасак, қизиқ бўларкан...

Ҳозирда ҳайдовчиларимиз тўғри маънода ҳам, қийшиқ маънода ҳам анча ёшарган. Зўра боши кўриниб турган

ТАДБИР ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида Қашқадарё вилоят ИИБ томонидан жойларга масъул этиб тайинланган ходимлар маҳаллий ҳокимликлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда талайгина ишларни амалга оширишмоқда. Шаҳар ва туман марказидан ўтувчи барча серкатнов йўлларни равланлаштириш, пиёдалар йўлқаларини таъмирлаш, улар атрофларини ободонлаштириш, зарур йўл белгиларини ўрнатиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинганлиги айни мuddао бўлди.

Тадбир давомида амалга оширилётган ишлар кўлами ҳар ҳафта якунида вилоят ҳокимлиги ҳузурида тузилган ишчи комиссия аъзолари томонидан таҳлил этиб борилмоқда. Аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Вилоят ҳудудида аҳолига транспорт хизмати кўрсатаётган уюшмаларга қарашли автотранспорт воситаларининг техник тайёргарлиги, ўқув юртларида, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш ишларини янада яхшилаш, тадбирга кенг жамоатчиликни жалб этиш каби юмушлар ишчи комиссия эътиборидан четда қолмаяпти. Бундан ташқари воҳанинг барча шаҳар ва туман марказларида ҳомийлар ёрдамида йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган болалар автошарчаларини барпо этиш, мавжудларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирги кунда ҳаракат хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказиш мақсадида жойларда 28та махсус гуруҳлар тузилган. Улар томонидан 320 марта рейдлар ўтказилди. Дастлабки ўн кунликда вилоят ҳудудида жами 9874 та қоидабузарликлар аниқланди. Булар орасида белгиланган тезликни меъёридан ошириш, чорраҳадан ўтиш ва одам ташиш қоидаларини бузиш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчиларнинг 208 нафари йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тўхтатилиб, уларга белгиланган тартибда чора кўрилди. Бироқ олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан, вилоят автомобиль йўлларида 15 та йўл - транспорт ҳодисалари содир этилди. Оқибатда 4 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди. Болалар билан боғлиқ 3 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилганлиги ачинарлидир. Натижада болаларнинг бири ҳаётдан кўз юмди, икки нафари эса тан жароҳати олди. Масалан, жорий йилнинг 8 апрель куни Шаҳрисабз – Қарши йўлининг 64-километрида, Қарши туманида яшовчи Шерзод Алимардонов ўз бошқарувидаги “Нексия” русумли автомашинада йўлни кесиб ўтаётган пиёда, 19 ёшли Нилуфар Жумаевани уриб юборди. Натижада Н. Жумаева вафот этди. Хуллас, аниқланган қоидабузарлик ва содир этилган салбий ҳолатларнинг барчаси меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, ўқув юртларида муҳокама этилмоқда, тарғибот ва ташвиқот ишлари жонлантирилмоқда.

Баҳодир ЭРГАШЕВ,
лейтенант.

“ҚИЗИЛ, САРИҚ, ЯШИЛ”НИ БИЛГАН

ҲАЙДОВЧИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИМИ?

Шу кунларда республикамиз бўйлаб йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давом этаётганлигини ҳамма ҳам биладими? Бу ойлик нима мақсадда ўтказилапти? Йиллик ҳисоботга киришиш учунми ёки кимнинг ва кимларнингдир ҳаётини муҳофаза қилиш, бир сиқим умримизни асраб-авайлаш, қўлтиқтаёқ-аравачадан нарироқ юриш учунми? Албатта иккинчиси учун!

Шу ўринда йўловчиларнинг йўл ҳаракатларига риоя қилиш борасидаги хатти-ҳаракатларини зимдан кузатишга тўғри келди. “Grand Mir Hotel” меҳмонхонаси (собик “Россия”) жойлашган чорраҳада пиёдаларнинг ўтиши учун

ерости йўли қурилган. Лекин у ердан ҳеч ким ўтмайди! Мажбурласангиз ҳам ўтмаса керак. Бир неча дақиқалик кузатувимиз пайтида аввалига бир йигит, сал кейинроқ икки-уч оғайнилар чопганларича ерости йўлига тушишди. Лекин ҳар икки ҳолда ҳам улар яна ортларига қайтиб чиқиб келишди. Фақат бу сафар чопиш йўқ. Бунинг сабабини бир оз ўтиб билиб олдик. Серкатнов машиналар орасидан



ўғайми? Бундай йўллардан ўтиш кўпи билан бир дақиқа вақтни олиши мумкин. Аммо вақтин тежамоқчи бўлган опахонимиз сингари бир эмас, икки-уч дақиқалаб машиналар орасидан ўтиш вақтни тежашга кирмайди-да, ахир. Бу ҳолда вақтни эмас, умрни “тежаб” қўйишимиз мумкин-ку! Бу ҳолда автобусга эмас, бошқа жойга... шошган бўламиз-ку!

Яна бир “муаммо”. Чиройли бекатларимиз бор. Чиройли автобусларимиз ҳам. Аммо ин-

укаларнинг визиллаб ўтиб кетишларига, уяли телефон қулоғида, “яшил”да тўхтаб, “қизил”да юриб кетадиган опа-сингилларга кўп бор гувоҳ бўляпмиз. Бу борада ҳайдовчилик гувоҳно-

маси берувчи ўқув даргоҳлари бўлғуси ҳайдовчиларга нисбатан эътиборлироқ бўлишлари керак, деб ўйлаймиз.

Хуллас, “қизил, сариқ, яшил” рангни билсам бўлди-да” дея машина рулига ўтираётган айрим бебош ҳайдовчилар “яшил”га етолмай ЙПХ ходими олдида қизариб ёки касалхонада сарғайиб қолишлари эҳтимоли юқори эканлигини унутмасалар бўлгани.

Албина ЖУМАНОВА,
жамоатчи мухбир.

Суратларда: пойтахт йўлларидagi “одатий” ҳолатлар.

Муаллиф олган суратлар.



Хотира ва қадрлаш куни олдидан

ЖАСОРАТГА ЛОЙИҚ МУКОФОТ

УЧИНЧИ МАҚОЛА

Қаҳрамонлардан бири Тожибой Ражабов билан бирга хизмат қилиш, бир хонада ўтириб ишлаш бахтига муяссар бўлганман. Унинг уруш хотиралари ҳақидаги ҳикояларини кўп эшитганман. Ҳар гал гапира туриб, кўз ўнгингда тенгдош, юртдош йигитлар, ака-укадек бўлиб кетган аскарларнинг душман ўқидан жон бераётганини кўриш жуда оғир бўлади, дерди.

Тожибой ака Ражабов Андихон вилоятининг Қўрғонтепа туманидан. Уруш бошланганида у энди 17 ёшга тўлганди. Унинг уч нафар акаси 1941 йилдаёқ фронтга отланади. Тожибой эса 1942 йилда чақирилади. Захирадаги полкда пулемётчиликни ўрганиб, 1943 йилда жангга қиради.

– Дастлабки кунлар эди, – деб хотирлаганди Тожибой ака. – Эрталаб осмон узра душман самолётлари пайдо бўлди. Оқоғда эдим, ишонасизми, самолёт жуда паст учиб, терак бўйи жойга келганда бомба ташлаб кетарди. Учиши жуда ваҳимали, овозининг хунуклигини айтинг. Мен оқоғда ётиб пулемётни самолётнинг учиш йўлига тўғрилаб осмонга қаратдим. Яқинлашганда тепкини босдим. Мендан сал нарида бомба портлади. Аскарларнинг ура деган қийқирғидан ўзимга келдим, елкамдан яраланган эканман.

Тожибой ака госпиталда даволангач, чегарачилар полкига қўшилади. Энди у мерганлик курсида ўқийди. Аниқ нишонга олиш сирларини ўрганади. У бир йўла бир неча душманни ер тишлатгани учун III даражали жанговар Шухрат ордени билан тақдирланади.

Чегарачилар одатда жасур йигитлар бўлади. Ўзбек ўғлон Тожибой Ражабов ҳам мард ва жасоратли эканини намоён қилади.

– Душман томоннинг сирасорини билиш, кучидан хабардор бўлиш учун разведкага борардик. Сардорлар кўпроқ мени юборишарди. Қуролдошларим “омадли овчи” деб ҳазиллашишарди, – дея эслайди. Т. Ражабов. – Ҳақиқатан омадим чопарди. Борганимда албатта душманнинг бирорта “вакилини” қўлга олиб келардим.

1944 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 24 нафар душман аскарини сафдан чиқаради. У курашчи ҳам бўлганди. Шу боис, қўл жангда ҳам улардан устун келган дамлари бўлган. Унинг бу жасоратлари II даражали жанговар Шухрат орденига лойиқ топилди.

– Висла ва Одер дарёларини кечиб ўтишда ҳам қаттиқ жанглар бўлганди, – деб ҳикоя қилганди Т. Ражабов. – Чекинаётган душман ўлим талвасасига тушиб қаттиқ

Уруш қурбонсиз бўлмайди. Жангда жасорат кўрсатганлар эса ҳар қандай мукофотга лойиқ. Ўқ ёмғири остида халқ тақдири учун ҳаётини қурбон қилишга тайёр инсонлар борлиги учун ҳам уруш галаба билан тугади. Уруш оловини ўчиришда алоҳида намуна, жасорат кўрсатганлар муносиб тақдирланди. Улар орасида Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат қилган Мўйдин Ҳасанов, Алексей Голубенко, Иван Кирпиченколар номини фахр билан тилга оламиз. Жанговар Шухрат орденининг ҳар уччала даражасига лойиқ топилган Ғани Валиев, Тожибой Ражабов, Олимбой Омонбоевлар ҳам қаҳрамонлар қаторидан ўрин олишган.



Тожибой Ражабов.

қаршилиқ кўрсатарди. Қандайдир қишлоқда душманнинг кўпоровчи ва разведкачилари борлигидан хабар топганимиздан кейин, кучнинг бир қисми ўша ёққа ташланди. Қишнинг қаҳратонли кунларида ҳар бир қарич ер ва уйни жанг билан олардик. Ҳисобласам, икки ойда қирқдан ортиқ гитлерчини ер тишлатибман. Қўмондонлик мени мукофотга тақдим этганди.

Тожибой ака урушнинг охириги кунларигача жанг

қилади. Галаба байроғи рейхстагга тикилганида Берлинда эди. Унга I даражали жанговар Шухрат ордени урушдан кейин топширилади. 1947 йилда она юртига қайтади.

Табиатан ички ишлар ходими хос фазилатли бўлгани учун ҳам у аскарлик кийимини осойишталик посбони кийимига алмаштирди. Хизмат йиллари давомида ўзининг жасур эканлигини бир неча бор намоён этди.

Бир куни иккита ёш йигит бозорда қовун сотган кекса деҳқоннинг пулини олиб қочади. Тожибой ака шу ерда ул-бул харид қилаётган экан. У воқеани эшитиб, йигитлар ортидан югуради. Икковини ҳам ушлаб, милиция идорасига олиб келади.

– Биласанми, ўғлим, мен урушда қуролланган немисларни тутардим, сенлар эса бировнинг пулини ўғирлабсан. Яна қочишларингни қара.

Йигитларни роса изза қилиб, кейин қўйиб юборади.

Бир куни қуролланган жиноятчилар билан олишишига тўғри келади. Уч кишига ўзи бас келади. Бироқ бир неча




Бобохон Кашанов (Мельников).

еридан пичоқ ейди. Узоқ вақт даволанади.

Тожибой ака ўзи ҳақида кўп гапиришни ёқтирмасди. Бироқ қуролдошларини тез-тез эслаб, жанглардаги жасоратларидан айтиб берарди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбеклар ҳақиқий дўстлик, қардошлиқ аъналарига содиқ қолдилар. Буни уруш бўлаётган жойлардан кўчириб келинган оилалар, ота-онасиз қолган етим болаларни бағрига олганлар



мисолидагина эмас, шунингдек, жанг майдонида миллатидан қатъи назар қуролдошига ёрдам берган ҳамюртларимиз томонидан кўрсатилган меҳрда ҳам кўриш мумкин.

Фаргона вилоятининг Сўх туманида истиқомат қилаётган Мельниковлар оиласини билмаган кам. Айримлар ўзбек оиласи рус фамилиясида эканлигидан ажабланади ҳам.

Бобохон Кашанов кўплар қатори фронтга отланади. Урушнинг суронли дамларини ўтаб юрганида, аниқроғи, афсонавий Брест қалъасини душмандан тозалаш пайтида Бобохон хизмат қилаётган рота сардори капитан Иван Тихонович Мельников қаттиқ яраланади. Бобохон ака уни отишмадан ҳоли жойга олиб чиқади ва тиббий пунктгача кўтариб боради. Бироқ капитаннинг жароҳати оғир эди, унинг ҳаётини сақлаб қолишга шифокорлар умид билдиришолмайди.

Иван Мельников Кашановнинг қийналиб, кўтариб келганига миннатдорчилик билдириб:

– Мендан хотира қолиш учун нима истар эдинг? – дея сўрайди.

– Фамилиянгни беришингни хоҳлайман, Мельников фамилияси ўчиб кетмаслиги учун, – дейди Бобохон Кашанов.

Капитан охириги кучини йигиб, юзида табассум билан:

– Ўз фамилиямни сенга қолдираман, – дейди ва жони узилади.

Бобохон Кашанов урушнинг охириги кунларигача жанг қилиб Берлинга борди ва рейхстаг деворига Бобохон Мельников деб ёзиб қўйди.

Шу тариқа Мельников фамилияси билан Фарғонага келди. У кўп йиллар ички ишлар хизматида ишлади. Сўх туманида участка вакили сифатида фаолият кўрсатди. Унинг изидан борган ўғиллари, неваралари Мельников фамилияси билан ички ишлар идораларида хизмат қилишарди. Оддий бир ўзбек йигитининг дўстлик ришталарини боғлагани бутун мамлакатга ёйилди.

Ғофуржон РАҲИМОВ,
истеъфодаги генерал-майор.



Фронтга совға жўнатиш. Тошкент почтамати. 1943 йил.

ХАЁТНИНГ ОҚ ВА ҚОРА ЧИЗГИЛАРИ

ҚЎШАЛОҚ ТҮЙ НИШОНЛАНДИ

Кашқадарё вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари касб байрамларини кўтаринки кайфият билан нишонлашди. Шу куни уч нафар кичкинтойларнинг суннат тўйлари ўтказилиб, соҳада самарали хизмат қилган икки ходим пенсияга кузатилди.

Қўшалок тадбирда иштирок этган вилоят ИИБ бошлиғи, полковник В. Ходжаев тўй болаларга совгалар ва улар номига банкда очилган ҳисоб дафтарчаларини топширди. Пенсияга кузатилаётган ходимларга ҳам ўзбекона одатимизга кўра тўн ва дўппи кийгизилди.

Байрам муносабати билан

ўтказилган ушбу тантанادا ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан профилактик ишларни олиб боришда ҳамкорликни йўлга қўйган милиция таянч пункти, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда корхона, ташкилотларга ҳам қимматбаҳо совгалар улашилди.

Соҳибжамол АМИНОВА.

ИНТИЛИБ ЯШАЁТТАН МАЙОР

Ички ишлар тизимининг қайси соҳасида хизмат қилишидан қатъи назар, ходимдан маҳорат, билимдонлик, касбига садоқат талаб қилинади. Қурбонмурот Назаров 1988 йилда Сурхондарё вилояти ИИБ ЁСБнинг ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмига хизматга кирганда устозлари, подполковник Раҳмон Бегинов, полковник (марҳум) Абдурашид

Ёрматовлар ана шу ҳақиқатни унга тунтиргандилар. Дастлабки кунларда-ноқ Қурбонмурот касбдошларининг ҳурматини қозониб, юз берган ёнғинларни бартараф қилишда матонат кўрсатди. 2000 йилнинг айна баҳор чоғида Термиз шаҳар марказида вилоят касалхонасининг ҳаммомида чиққан кучли ёнғинни ўчиришда алоҳида ўрнак кўрсатиб, 3

нафар фуқарони оловчангалидан олиб чиқди.

Қурбонмурот Назаров ўз билимини ошириш учун тиним билмай изланди. Олдин Республика ИИБ Тошкент ўт ўчириш техника билим юртида, сўнгра ИИБ Тошкент ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабида ўқиб, амал пиллапояларидан кўтарилиб бораверди. Амалий иш жараёнида ёш ҳамкасбларига тажрибаларини ўргатишдан толмади, беғараз ёрдамни аямади. У ўрни келса туну кун ишлайди. Айна вақтда вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг штаб бошлиғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Собир НОРМУРОДОВ, майор.

Суратда: майор Қ. Назаров иш устида.



БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Халқимизда меҳрга ташна мурғак гўдакларга мурувват кўрсатишдек азалий удумлар борки, ана шу сабабли ҳам ҳаётимиз фаровон, турмушимиз нурафшон бўлиб бормоқда. Бу муаззам ҳаётда қилаётган барча эзгу ишларимизнинг мақсад-моҳияти замирида жондан азиз фарзандларимиз камоли, бахт-иқболи ётади.

Мана шундай бағри кенг халқнинг осойишталигини таъминлаётган ички ишлар идоралари, хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари меҳр-мурувват ила хайрли бир тадбирни амалга оширдилар. Миробод тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлимига Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов туманида жойлашган 24-меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари, соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар ташриф буюришди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари йиғилганлар олдига дастурхон ёзиб, бир пиёла чой устида дилдан суҳбат кур-

дилар. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болажонларга олам-олам қувонч олиб келган байрам тантанасида уларга турли-туман қимматбаҳо совгалар, жумладан, Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби раҳбарлари томонидан ажратилган замонавий компьютер топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари тадбирга янада файз киритди. Бундан ташқари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам ушбу тантанага атаб тайёрлаган махсус концерт дастурларини намойиш этдилар.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА.

ВИЖДОН БАРЧАСИДАН УСТУН

Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Пайшанба шаҳарчасида яшайдиган Хусан Мирбобоев оилада етишмовчилик туфайли мактабни битириб, ўзи туғилиб ўсган жойда новвойлик касби билан шуғулланиб юрди. Ишлари юришмай қолгач, Тошкент шаҳрига келиб, новвойчилик қила бошлади. Ҳар ой топган пулини оиласига жўнатиб турди.

Шу давр ичида бирга ишлайдиган Дилобар исмли қизни севиб қолиб, вақти-вақти билан учрашиб туришди.

Бир куни у Дилобарнинг бир йигит билан гаплашиб турганини кўриб қолди. Қиз билан роса уришди, кейин аразлаб кетворди. Аламидан тўйгунча ичди. Дилобар билан орани очиқ қилиш учун биринчи учраган "Тико"ни 5000 сўмга кира қилиб йўлга чиқди. Манзилга яқинлашганда ҳайдовчига ёнида 3000 сўм пули борлигини, қолганини уйга борганида олиб беришини айтди. Ҳай-

довчи уни лақиллатгани, алдагани учун ҳақоратлашга ўтди. Икки ўртада бошланган жанжал ҳайдовчининг ўлими билан якун топди. Талвасага тушган Хусан нима қиларини билмай қолди. Охири "Тико"ни ҳайдаб, уйига - Каттакўрғон туманига йўл олди.

Ижарага машина олдим деб онасини алдади. Машинанинг давлат белгисини олиб, ойнасига транзит қоғозини ёпиштирди. Кейин ҳеч нарса бўлмагандай киракашлик қилиб юрaverди.

Шу тарика орадан

тўрт ой ўтди. Аммо онаси ўглининг хатти-ҳаракатидан шубҳаланарди. Ахир, шунча вақтдан бери ҳеч ким ижара ҳақини сўраб келмаганди-да. Бир куни онаси уйни йиғиштираётиб, ўгли ҳайдаб юрган машинанинг ҳужжатини топиб олди. Ўғлига билдирмасдан ҳужжатдан нусха олиб автомашина эгаси манзили бўйича "Тико"ни олиб кетиш ҳақида телеграмма жўнатди. Шу телеграмма асосида Тошкентдан ички ишлар ходимлари келишиб, Хусанни машина билан бирга олиб кетишди...

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

НОБАКОР

"Душманам йўқ менинг", деб ишонч билан гапирган кишидан "Оға-иниларинг-чи?" деб сўрашганида ҳайрон бўлган экан... Баъзан турмуш ташвишларидан қийналган ёки ҳаётда қоқилган, ўз йўлини тополмаётган жигаримизга, қариндошимизга имкониятимиз доирасида ёрдам берамиз. Нафақат қалбимизни, балки уйимизни ҳам бўшатиб бериб, беминнат саховат кўрсатамиз. Афсуски, вужудимизга синган андиша отли олий хислатнинг панасида ҳушёрликни унутамиз.

Нукус шаҳар 22-кичик туманда яшовчи Абдураим укаси Шерниёзга яна ёрдам кўлини чўзди. Йигирма бешга кирмасдан икки марта суднинг қора курсисига ўтириб улгурган йигитга ким ҳам ишониб, иш берарди. Акаси ўзи ишлаётган фирма раҳбарлари билан гаплашиб, уни ёнига ишга олди.

Икки фарзанднинг отаси бўлган уканинг оиласи энди зорикмай яшайдиган кўнгли таскин топган ака ҳам анча тинчиди. Уканинг кўнглида эса ҳасад кундан-кун аланга оларди. Назарида, акаси беҳисоб бойликка эга-ю, атайлаб ўзини оддийгина қилиб кўрсатапти.

Абдураим отасининг уйида кўй сўйиб, ўтганларга атаб маърака қилаётганида Шерниёз аста кўздан ғойиб бўлди. "Режамни амалга оширадиган пайт келди". Шундай деб ука дадиллик учун пича "отиб" олди. Туғишгани хонадонига яқинлашганида юзига ниқоб кийди. Шумқадам амаки кўнғироқ тугмачасини босди. Қисматидан беҳабар қизалоқ бамайлихотир эшикни очди.

Қизнинг ўзини йўқотиб қўйганлигидан фойдаланган босқинчи дарров унинг кўлоёқларини боғлаб, пичоқ ўқталиб, пўписа қилиб, пулни қардалигини сўради. Сўнг акасининг ётоқхонасини титкилаб, уч юз йигирма минг сўм пул топди...

Ўзига келгач, қиз ота-онасини топиб, бўлиб ўтган воқеани базўр тушунтирди. Ўғирлик ҳақида милицияга хабар қилинди. Олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасида жиноятчи фош этилди. Ўғирланган пул-ашёвий далил ҳам бус-бутунича топилди. Уни Шерниёз таниши Муҳаббатга "сеникида омонат турсин" деб ташлаб кетган экан. Ноқобил ука ўз туғишганининг моддий бойлигини эмас, ўн тўртга тўлиб-тўлмаган жондан азиз фарзандининг... номусига ҳам текканди. Аканинг оиласи маҳаллада, жамоада оғир аҳволга тушиб қолди...

Хукм ўқилди. Шерниёз Сапарниёзов ўн етти йил озодликдан маҳрум этилди. Камми, кўпми?...

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Турмуш чорраҳаларида

ТАҚДИР СИЙЛАМАГАН



(воқеий ҳикоя)

Нафақага чиққан устозим маҳалламизнинг фуқаролар йиғинига раисликка сайланганлигини эшитиб, табриклаш мақсадида ишхонасига ўтдим. Идорага кириб борганимда у киши ўзаро жанжаллашиб қолган эр-хотинни яраштириб, кузатаётган экан. Мени кўриши билан юзи ёришиб кетди.

Ичкарига кириб ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин устоз бошидан ўтган бир воқеани сўзлаб берди.

... – Ёз кунларининг бирида, тун ярмидан оғанда хизматдан қайтардим.

Ой ёғдусида кўпқаватли бинолар орасидан ўтиб, уйимга яқинлашар эканман, уйимиз олдидаги қайрағоч остида бир нима қорайиб кўрингандек бўлди. Унга яқинлашдим. Не кўз билан кўрайки тупроқ билан қоришиб ёш бола ётарди.

Шу пайт ўғлимнинг ҳар куни куйиниб айтадиган сўзлари ёдимга тушди: "Кўшнимиз Тўлғаной опанинг ўғиллари эрталабдан кечгача кўчада юришади. Онаси кўп ичади, бу ҳам етмагандек, уйига бегона эркаклар келади, айниқса, соқолли киши келганда улар кўчада ётиб қолишар экан".

Тўлғаной опанинг катта ўғли Шухратдан, "Соқолли амаки отангми?" – деб сўрасак "Йўқ, опамнинг ўйнаши, жуда ёмон одам, уйимизга келиши билан укам Азизжон иккалаимизни кўчага қувиб юборади. Ўзлари бўлса овқат пишириб, ароқ ичиб ўтиришади. Уйга кирмоқчи бўлсак, ўзимиз чақирмагунча келманглар, дея жеркиб, яримта нонни кўлимизга тутқизишади", – деб айтади", дер эди.

Шу хаёллар билан қайрағоч остида ётган боланинг устига энгашдим. Ҳа, шубҳасиз бу ўша, кўшнимиз Тўлғанойнинг тўрт яшар ўғли Азизжон экан. У гўё партўшакда ётгандек, бемалол оёқларини узатиб, ширингина ухлар эди.

Азизжонни оҳиста кўтариб, уйимга олиб кирмоқчи бўлдим, лекин Тўлға-

нойнинг уйида чироқ ўчмаганлигини, эшиги қия очиклигини кўриб, эшик кўнги-роғини босдим. Жавоб бўлавермагач, ичкарига кирдим. Тўғридаги хонада эғнидаги кийим-боши, оёғидаги пойафзалини ҳам ечмасдан кўрпасиз, ёстиқсиз, қуруқ ерда Шухрат ухлапти. Хойнаҳой, у Азизжон киради деган хаёл билан эшикни очик қолдирган бўлса керак.

– Кўшни? Уйда ким бор? – деб ён тарафдаги хонага кирар эканман уятдан ўзимни йўқотаёздим: хона ўртасида дастурхон, дастурхонда совиб қолган ярим товоқ қовурилган гўшт, иккита бўш ароқ шишаси, ундан нарироқда икки кишилик диванда соқолига оқ оралай бошлаган 60-65 ёшлар орасидаги мўйсафид киши, унинг пинжида эса ўзлигини унутган Тўлғаной бир-бирига басма-бас хуррак отишарди.

Мени бир муддат жиноят устида қўлга тушган одамдек саросима босди. Уларни уйғотишга, уйғотиб, номусини йўқотган кўзларига қарашга юрагим бетламади. Азизжонни ҳам бу беҳаёллар олдида қолдиришни эп кўрмай, ўзим билан олиб кетдим.

Эшикни очган турмуш ўртоғим кўлимдаги ухлаётган болани кўриб аввалига ҳайрон бўлди, сўнгра унинг Азизжон эканлигини билиб, "Яна кўчада қолибдими?" – деб сўради.

Кўчада қолибдими? Нақадар оғир сўз. Бирор-бир буюм бўлсаки, кўчада қолса. Ахир, у инсон боласику? Бу сўз қанчалар оғир

бўлмасин, Азизжоннинг кўчада қолганлиги шунчалар рост.

Эрталаб уйқудан уйғонган Азизжон бегона уйда ётганлигидан хижолат бўлиб ўрнидан турди. Оғир, вазмин кишиларга хос тарзда эшикка йўналди.

– Азизжон, юз-қўлингни ювиб, кўрпачага ўтир. Чой ичиб кетасан, – деди хотиним меҳрибонлик билан.

– Раҳмат, опажон, борақолай, онам хавотир олиб, мени қидириб юрмасин.

– Онанг хавотир олса, сени кўчага ташлаб кўярмиди, уйда йўқлигинг кўнглига ҳам келмаётгандир? Чой ичиб ол, кейинроқ чиқарсан, – дея мен ҳам уни қолишга ундадим.

– Нимага унақа дейсиз? Онам яхши. Уларнинг ёнига келадиган одамлар ёмон, айниқса, соқол кўйган амаки жуда ёмон одам. "Болаларингни чиқариб юбор", деб онамни уришади, уради. Акам иккимиз онам бировлардан таёқ эмасин, деб кўчада юрамиз. Сиз онамни билмайсиз. Улар бизни жуда яхши кўрадилар, – деганча кўзларидан ёш оқаётган Азизжон эшикка отилди.

Ногаҳон мурғаккина гўдакнинг ярасига туз сеппиб кўйганлигидан, тўрт яшар болачалик фикр юритмаганимдан мулзам бўлиб, уни тутиб, бағримга босдим.

– Мени кечир, болам. Сен ҳақсан, онанг жуда яхши аёл, хоҳлайсанми – ўша ёмон амакини уйларингга келмайдиган қиламиз?

– Хоҳлайман, жуда ҳам

хоҳлайман. Унинг ўрнига дадам келсалар эди.

– Азизжон, ҳозир тўғри маҳалла раисининг олдида борамиз, у киши ёмон амакини уйларингга келмаслиги учун ёрдам беради, розимисан?

– Онам билсалар мени уришади.

– Онангга айтмайсан. Мен ҳам айтмайман, хўпми?

– Хўп.

Бу воқеадан маҳалла оқсоқолини хабар қилиш мақсадида Азизжон билан бирга маҳалла фуқаролар йиғини идорасига бордик. Бизни нима мақсадда келганлигимизни сўраб-суриштирган раис Азизжонга юзланди:

– Ўғлим, сен қабулхонага чиқиб, котиба опанг билан сўзлашиб тур, биз ҳозир чиқамиз.

У чиқиб кетгандан кейин ҳам анча вақт хаёл суриб ўтирган маҳалла оқсоқоли ўзига хос босиқлик билан гап бошлади:

– Хабарим бор. Тўлғанойларникига бир неча маротаба борганман. Сиз биласизми йўқми, унинг эри гулдек хотини, фарзандларини ташлаб, энгил табиатли бир аёлнинг "этагидан тутиб" кетган. Эрининг хиёнатига чидай олмаган аламзада хотин эса ароқ ичишга, бегона эркаклар билан кўнгилахушлик қилишга ўтган. Мен уни бу йўлдан қайтариш учун маслаҳатлар бердим, тартибга чақирдим. У бўлса "насихатингизни пишириб энг, сизнинг мурувватингизга зор эмасман, кўнгиладан келса, эримни қайтариб келинг, менда ҳам қалб бор, аёллик ҳиссиётлари бор, ёш умримни хазон қилишни хоҳламайман", деб уйдан чиқариб юборган. Шу вақтгача тўғри йўлга тушиб кетар, деб сабр қилиб юргандим, энди билсам у бутунлай тубанлашиб кетибди. Қарши бўлмасангиз, бир хизмат бор.

– Нима хизмат бўлса ҳам айтаверинг, Азизжонни кўчада ётганини кўрганимдан буён унга қандай ёрдам қилсам экан, деб ўйлаб ўтирибман.

– Ҳозир борганимиз билан фойдаси йўқ. Тўлғаной бизга тўхмат қилишдан ҳам қайтмайди. Энг тўғри йўл уни воқеа устида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар қўлига топшириш. Шунда қилмишидан пушаймон бўлиб, инсофга келар. Фарзандларига меҳрибонлик кўрсатар. Сиз болаларни яна кўчада ётганлигини ёки Тўлғанойнинг уйига бегона эркаклар келганлигини кўрсангиз менга хабар қилинг. Қолган ишларни ўзим бажараман, розимисиз?

Раиснинг таклифига розилигимни билдириб, унинг иш, уй телефон рақамини ёзиб олдим-да, Азизжон билан бирга ортимга қайтдим.

(Давоми бор).

Оқсоқолнинг ҳикоясини оққа кўчирувчи Бекмурод УСМОНОВ.

Акс-садо

АЭРОПОРТДАГИ ТИЛАНЧИ БОЛАЛАР

Яқинда "Постда" газетасида А. Шариповнинг "Шаънимизга номуносиб" номли мақоласини ўқиб қолдим. Ушбу муаммо, афсуски, бизнинг вилоятда ҳам бор.

Қашқадарё вилоятида қўшма корхоналар, заводлар кўпайиб, у ерга хорижлик мутахассислар ишга жалб этилмоқда. Шунинг учун Қарши аэропорти олдингидан анча гавжум бўлиб қолди. Рейслар сони кўпайган. Буларнинг ҳаммаси яхши-ю, аммо бир хунук манзара киши дилини хуфтон қилади.

Навбатдаги рейс бўйича келган самолётдан тушган меҳмонлар аэропортдан шаҳар худудига ўтиб, буюмларини олиб улгурмасиданоқ бир гала ёш болалар уларни ўраб олишади ва жаврай кетишади:

– Амаки, пул беринг. Кўлимни қуруқ қайтарманг.

– Раҳм қилинг, онам касал, дорига пул керак. Садақа қилинг...

Юртимизга ташриф буюрган ўша меҳмонларнинг дастлабки таассуротларини тасаввур қилавринг энди.

Хўш, тиланчилик қилаётган болалар кимлар? Улар шу даражада қаровсиз қолишганми ёки бу ота-оналарнинг эътиборсизлиги оқибатими? Тўғриси, бу оталик, оналик масъулиятини, инсоний бурчни унутган айрим шахсларнинг кечириб бўлмас хатоси эмасмикан?!

Шерали Нодиров 1988 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ўқимайди, гунг. Уни на онаси, на отаси назоратига олган. Рустам Абдуқодиров 1992 йилда туғилган. Достон Абдураҳмонов ҳам Рустамнинг тенглоши, ҳар иккаласи шаҳардаги 24-мактабда ўқишади. Улар ҳам ота-оналари томонидан эътиборсиз қолдирилган. Бекзод Хайдаров айнан юқоридаги акаларига мактабдош. Малика Нуритдинова 7-синф ўқувчиси. Киранг ақли кириб бўлган. Қиз боланинг ўғил болаларга қўшилиб, тиланчилик қилиб юришини таърифлашга тил ожиз. У илгари ҳам бу қилмиши учун огоҳлантирилган эди. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган онаси қизини бошқа мактабга ўтказиш билан кифояланиб қўя қолди. Охир-оқибат эса яхшилик томонга ҳеч қандай ўзгариш йўқ, аксинча, бола кун бўйи аэропорт худудида тентираб юрибди.

Ушбу муаммоли масала юзасидан болаларнинг ота-оналари билан қилинаётган суҳбатлар бефойда кечаётир. Шу сабабли маҳалла фаолларига учраб, улар ҳамкорлигида масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилаямиз. Бор умидимиз маҳалла-кўй, унда истиқомат қилаётган ибратли оилалардан бўлиб қолди. Бу оғриқнинг олди бугун олинмаса, эртага катталар учун кўп мушкулликлар келтиришини асло унутмаслик лозим.

И. НУРМАТОВ,
катта лейтенант.

2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

МИНГ ДАРДГА ДАВО — ПИЁЗ...

Пиёз — қадимги ўсимлик. Тахминан тўрт минг йилдан кўпроқ вақтдан буён у инсониятга хизмат қилади. Биз доимий ишла-тадиганимиз пўсти қизил, думалоқ, оқ пиёзлардан ташқари яна юзлаб хил пиёз турлари мавжуд. Масалан, Россияда 230 хилга яқин пиёз мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам экиб, етиштирилади ва халқ табобати ҳамда тиббиётда улардан фойдаланилади. Пиёзда биологик фаол моддалар шунчалик кўпки, уларнинг ёрдамида даволаш мумкин бўлган касалликларнинг саногига етиш қийин.

Куйида бизга куч ва саломатлик бахш этувчи бу ўсимликнинг айрим хусусиятлари билан танишамиз.

ДУМАЛОҚ, ПЎСТИ ҚИЗИЛ ПИЁЗ

Шолғом шаклидаги бу пиёз кенг тарқалган. Унинг таркибида мўл бўлган эфир мойи, фитонцидлар, дармондорилар инсон организмининг ҳар қандай юқумли касалликлардан ҳимоялашга қодир. Кўпчилигимизга бу пиёз таркибида бактерияларга қарши курашувчи моддалар борлиги ёшлигимиздан маълум. Чақалоқларнинг бешигидаги ёстикчаси остига бир дона пиёз қўйиш, айрим халқларда эса пиёзни эзгилаб, дока халтачага солиб, гўдак ётадиган кроват ёнига осиб қўйиши ҳам шамоллашнинг олдини олиш учун қилинадиган профилактик муолажалардандир.

Катта ёшдагилар ҳам шамоллаганда самарали биринчи ёрдамни айнан ана шу пиёздан кутардилар.

Шамоллашни олдини олиш ёки даволашда бу ўсимлик эга бўлган улкан имкониятдан озгинаси намоен бўлади. Унда йирингли яралар, тери кичишини, экземалар, пиодермия кабиларни даволашда ҳам фойдаланилади. Бунинг учун: — пиёз қирғичдан ўтказилиб, ҳосил бўлган бўтқа бир қават докага ўралиб, терининг касалланган жойига қўйилади.

Шолғомсимон кўринишдаги қизил пўстли пиёз аёлларда ҳайз кўриш тартиби бузилганда, эркаларда эса жинсий қувват камайганда даводир. Бундан ташқари, у кўпгина шамоллаш касалликларида, сил, дифтерия (бўғма), буйракнинг баъзи касалликларида,

юрак-қон тизими ҳамда ошқозон-ичак йўли хасталигида ҳам фойдалидир

Қўшалок пиёз: дармондориси ҳам ўзига яраша

Таъми яхши, дармондориларга бой бу пиёзнинг ўзи шолғомсимон бўлса-да ўзак поя ва кўк пояларининг нозиклиги, тезроқ пишиб етилиши, узок сақланиши, думалоқ пиёзга нисбатан таркибида икки баробар кўп дармондори бўлиши билан фарқланади. Ташқи кўринишидан думалоқ пиёздан фарқ қилмайдиган бу пиёз экилганининг иккинчи йилида пояларининг ўртасидан ўзак поя ўсиб чиқади. Унда гул ўрнига кичик пиёзчалар пайдо бўлади. Бу поя ўсгани сайин илдизмевалар қўшалоклашиб, кўпинча икки-уч, баъзан ҳатто беш донагача қўшпиёз пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам у қўшалок пиёз деб аталади.

Бу пиёздан ярим дармондори сифатида фойдаланилади. Бунинг учун: — майда қирқилган бир ош қошиқ кўк пиёз (поя)нинг устига бир стакан қайноқ сув қўйилади, 4 соат дамланади. Кейин докадан ўтказилиб иккига бўлиб, ичилади.

Қўшалок пиёз ошқозон-ичак йўллари яхшилаб дезинфекция қилади, гипертония (қон босими)ни даволайди. Уни майдалаб, радикулит бўлган жойга қўйилса, шифо бўлади.

“ҚИРҚТИШЛИ” (ШАЛОТ)

“Қирқтишли” ёки аскалон пиёзи фарбий Европа мам-

лакатларида кенг тарқалган ва оммалашган пиёз турларидан биридир. Шунингдек, у кўпроқ Кавказ орти туманларида, шимолда ҳам учрайди. Уни шарлотка ёки қирқтишли деб ҳам аташади. Чунки унинг пиёзлари умумий қобиқ орасидаги кўплаб кичкина пиёзлардан иборат. Бу пиёзнинг таъми унчалик ўткир бўлмагани, барг поялари ўта нозик бўлгани сабабли пазандачиликда кўп ишлатилади. Пиёздаги фойдали хусусиятлар бошқаларникидан кам бўлмагани боис халқ табобатида ҳам кенг қўлланилади. Шамоллаш касалликларининг олдини олишда бу пиёздан фойдаланилади. У билан кўз касалликлари ҳам самарали даволанади. Айниқса, пиёзнинг бу нави кўз чарчаганида яхши ёрдам беради. Бунинг учун: — пиёзни пишириб (иложи бўлса духовкада) докага ўраб, совутилади ва компрессга ўхшатиб, кўзга қўйилади. Унинг янги шарбати икки чаккага ва пешонага сурилса, бош оғриғи қолади.

Тиббиётда ушбу пиёздан ҳам бошқа турдаги пиёзлар каби сочнинг илдизини мустақамловчи ва ўстирувчи восита сифатида фойдаланилади. Бу пиёзни қирғичдан ўтказиб, юзга сурилса, сепкил ва хуснбузарларни кеткази.

ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИ

Аччиқ бўлмагани боис куйидаги пиёзларни ҳамма ҳам овқатга қўшиб ейиши мумкин. Уларнинг ҳам фойдалилик, шунингдек, касалликларнинг олдини олиш

ҳамда уларга қарши курашишдаги кучи бошқа пиёзлардагидан кам эмас.

ОҚ ПИЁЗ. Бу пиёз умуман, аччиқ эмас. Унинг кўк поя (барг)ларининг таъми ширинроқ, ёқимли. Пиёз таркибидаги эфир мойлари ҳамда фитонцидлар турли касалликларнинг олдини олади. Бу навли пиёздан кўпроқ қон босимининг ошиши, атеросклероз ҳамда гижжаларни ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади.

“ЙИҒЛАТУВЧИ” ёки серсув пиёз дармондориларга, айниқса, С дармондорисига бой. Унда минерал тузлар, шу жумладан, темир моддаси кўп. Шу сабабли ҳам бу пиёздан камқонлик ҳамда дармондорилар етишмаслиги (авитаминоз)ни даволашда фойдаланилади.

ПОРЕЙ ҳам юқоридаги пиёзларга ўхшаб, аччиқ эмас. Шунингдек, у асосан кўк пиёз (поя) сифатида бўлиб, илдизмеваси йўқ. Унинг йўғон пояси озиқ-овқат учун қимматбаҳо маҳсулотдир. Чунки у ўта тўйимли ва даволовчи хусусиятга эга. У атеросклероз ҳамда модда алмашинувда фойдали. Ундаги эфир мойи иштаҳани яхшилади, ошқозон шираси ажраб чиқилиши фаоллаштиради. Лекин овқат ҳазм қилиш аъзоларини ишдан чиқармайди. Порейнинг кўк поялари қонни тозалаш хусусиятига эга. Бу эса кўплаб касалликларнинг (масалан, подагра, буйракда тош пайдо бўлиши, жигар касалликлари) олдини олишда муҳимдир.

БАТУН (ЎЗАК ПОЯ) ЁКИ ТАТАРКА.

Порейдан салгина аччиқроқ, холос. Шу боис ҳам ундан доимий равишда фойдаланилади. Уни турли салатларга солиниб, қайла сифатида ишлатилади. Озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлашда уни шолғомсимон пиёз билан бирга қовуриб ёки таом таъмини хушбўй қилувчи зиравор сифатида қиймага қўшилади. Даволаш хусусиятлари эса порейники кабилар. Унинг ўзига хос хусусияти — тинчлантирувчи, тер ҳайдаш хоссаларига эгаллидир. Саратон касалликларининг олдини олади деган маълумотлар ҳам бор.

ҲИНДИСТОН ПИЁЗИ. Бу пиёз таркибидаги ўта аччиқ суви (шарбати) туфайли халқ орасида “дўзах илдири” деган ном ҳам олган. Бироқ Ҳиндистон пиёзи айнан аччиқлиги туфайли замонавий тиббиёт соҳасида (шу жумладан, халқ табобатида ҳам) ва фармакологиясида машхур.

Бу турдаги пиёзда ўта қимматбаҳо модда — колцихин мавжуд бўлиб, у подаграна даволашда кўл келади. Шунингдек, пиёздаги колхамин моддаси онкологик ва бошқа яна кўплаб касалликларга даводир.

Ҳиндистон пиёзининг шарбати радикулит (беланги), артроз, артрит, товонга туз йиғилиши, остеохондроз, лат ейиш, пай чўзилиши кабиларда оғриқ қолдиради. Бунинг учун ушбу пиёз баргидан компресс қилиб, оғриётган жойга қўйилади. Унинг шарбати эса йирингли яралар, мастит, юқори нафас йўли ўткир респиратор касалликлари ва тиш оғриғига даводир.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР



● Инсон ҳамиша кувноқ ва бардам бўлиши учун кўпроқ калий моддасига бой маҳсулотлар, масалан, банан истеъмол қилиши лозим. Шунингдек, балиқ гўшти, помидор, картошка, соя, ёнғоқ кабилар тановул қилинганда ҳам инсоннинг кайфияти кўтарилади.

● Қаҳр-ғазаб, асабийлик, айниқса ҳасад-гўйлик, гийбатчилик, ҳамиша гина-кудурат қилиб юриш энг кучли салбий туйғулар бўлиб, инсон танасидаги териларга ҳалок этувчи таъсир қилади. Юрак, асаб касалликларини келтириб чиқариб, тезроқ қариш, демек, умрнинг қисқаришига “ёрдам беради”.

● Осойишта ва узок ухлашни хоҳловчилар айни ўринга ётиш олдида чой эмас, бир стакан қайноқ ширин сув ёки эчки сути ичишлари лозим.

● Йўталдан қийналганлар шоколад еб кўрсинлар. Чунки шоколаддаги теобромин моддаси йўталга қарши даволик хусусиятига эга. Бундан ташқари, шоколадда салбий таъсир кўрсатувчи моддалар йўқлиги ҳам йўталувчилар учун фойдалидир.

● Доимо кулоқларига зирак тақиб юривчилар куйидаги тартибга амал қилсалар ютқазмайдилар. Яъни: кечаси зиракни ечиб ётиш, яхшиси, зиракни кунига уч соатдан ортиқ тақмаган маъқул. Чунки кулоқнинг зирак тақиладиган қисми — солинчоғида кўз, тиш ва ички аъзоларнинг саломатлигига таъсир қилувчи нуқталар мавжуд. Шу сабабли кулоқнинг қаерида қандай нуқталар борлигини биладиган мутахассисларга тештириш лозим.



Табиат таровати билан гўзал.

Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

Оқдўб (қонда)								Нотик	
	Касб асосчиси	Чой нави	Паранда	Жун мато	Техника экин	Электр	Сайбра		
		Қушиқ				Вилоят маркази			
			Қозоғов (қонда)				Бегона		
Шеърӣ вазн Рамз, белги	Бадан	Электр турлма		Эркак исми					
Самолёт		Нарса қисми		Об-ҳаёт	Дон маҳсули				
		Нов тури				Бозор томи	Рақам		
Нишонланган сана		Аниқ, тўғри	Синов	Тасдиқ йфодаси	Кўчада ичиладиган ош		Ҳарбий кома		
Сакраш ақсоми	Тулов	Чизгич тури	Хорижий валюта	Мулк	Катъий ўлчам, намуна				
					Кичик қозон	Тусиқ			
Ғовда					Рақам	...сон (тил)	Қасаллик		
Ёш от Қандоғат масули					Ранг		Амриқ сановатчиси		
	Покиза				Оқов		Зот, қелиб чиққан		

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: Исо. Сурхондарё. "Аида". Новшадил. Шамс. "Тико". Кам. Басра. Олот. Онт. Рахт. Диктант. Пар. Шаҳар. Ин. Гард. Кока. Ёш. Рам. Мармелад. Терг. Бобо. Канар. Ёз.

БУЙИГА: Илм. Хонтахта. Исбот. Оқтош. Рад. Узук. Тохир. Навкар. Кант. Рашид. Адамс. "Ушшоқ". Сабр. Файз. Ём. Ландшафт. Регресс. Забт. Наполеон. Трактор.

Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

Ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тармоқ учун марказий сервер қурилмасини харид қилиш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри 700070. Ш.Руставели берк кўча, 1-уй.

Тендер таклифлари **2005 йил 23 апрелдан 23 майгача** қабул қилинади.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00дан 18.00гача кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

Телефонлар: 8 10 998 (3712) 136-27-82, 152-56-16, 152-30-36,

Факс: 8 10 998 (3712)151-23-73,

E-mail: umtvs@uzpak.uz.

ТАБАССУМ

– Менинг эрим нима десам, ҳеч иккиланмасдан хўп дейди.

– Йўғ-е! Қандоқ эришдинг?

– Осон бўлмади, албатта. Икки марта инфаркт бўлди.

– Доктор, овқатдан олдин юз грамм ичиш зарармасдир-а?

– Иштаҳани очиш учун йўқ албатта, лекин кунига ўн маҳал овқатланмаслик керак.

– Айтинг-чи, доктор, нега мен бошимни пастга қилиб турсам, қон қуйиладию, лекин кун бўйи оёқда юрсам ҳам оёғимга қон қуйилмайди?

– Суяқлик ҳамisha бўш жойни тўлдирган...

– Менинг хотиним зўр, чунки мендан ҳеч нарсани илтимос қилмайди.

– Меники ҳам худди сеникидек – фақат буюради...

Ҳарбий шифокор кўригидан ўтаётган чакирилувчининг ақлий қобилиятини си-намоқчи бўлишибди.

– Агар сизнинг бир қулоғингизни кесиб ташлашса нима бўлади?

– Иккинчиси билан эшитаман.

– Иккинчисини ҳам кесиб олишса-чи?

– Кўролмай қоламан.

– Нега энди?

– Негагини ўзингиз топинг-чи.

Шифокорлар шунча ўйлашса ҳам топа олишмабди. Роса ялинишиб, йигитчанинг ўзидан сўрашибди.

– Қулоқларим бўлмагач, бошимдаги каскам тушиб, кўзларимни беркитиб қўяди...

Тўпловчи Икром РАҲИМОВ.



«35 ДАН 7» СПОРТЛОТТО ЛОТЕРЕЯСИ

Ўзбекистон Республикаси пул-рақам лотереяси.



Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 003-сонли лицензияси асосида. Ютуқ фондининг миқдори ўйин тиражига қилинган ставкаларга боғлиқ ва тоифалар бўйича тақсимланади. Агар бир ёки бир нечта тоифа бўйича ютуқли ставкалар бўлмаса, бу тоифа ютуқ фонди кейинги ўйин тиражига ўтказилади (Жек-пот).

Ўйинни амалга ошириш тартиби ҳар бир купонда тўлиқ кўрсатилган.

ДИҚҚАТ!

Ўйинчи томонидан «35дан 7» лотерея чиптасини олиниши, унинг ўйин қоидалари билан танишганлигини ва ушбу ўйин қоидаларига амал қилинишини билдиради.

Ушбу чиптадан рақамларни танлаб, терминалдан рўйхатга ўтказиб ўйин тиражидида қатнашиш учун фойдаланилади. Зарур рўйхатдан ўтказилмаган чипталардан лотерея чиптаси сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган лотерея чипталари қайта қабул қилинмайди ва уларнинг қиймати қайтарилмайди.

Ўйин қоидалари, ютуқларни тўлаш тартиби ва ўйин натижалари тўғрисидаги батафсил маълумотларни Сиз лотерея тарқатувчи-агентлардан, корхонанинг веб-сайти www.sportlotto.uz саҳифалари шунингдек, Спортлотто марказий офисида олишингиз мумкин.

Манзилгоҳ: Тошкент ш. Ўзбекистон кўчаси, 98-А уй, Марказий «Пахтакор» ўйингоҳи.
Доний телефон алоқаси: 411115, 414161, факс 413789.

35 дан 7 «КАТТА ЛОТТО» рақамли лотереяси
«Спортлотто» Кўшма корхонаси янги ўйинни эълон қилади

ЖЕК-ПОТ - 250 000 000 СЎМ

Ютуқлар 7,6 ва 5 тўғри топилган рақамлар учун тўланади.
Бир ставканинг баҳоси — 200 сўм.

Ютуқлар ҳар чоршанба куни соат 20⁰⁰ да «Ёшлар» телеканалда ўйналади.

Ўчирилган рақамлар сони	Ставкалар сони	Нархи
7	1	200
8	8	1600
9	36	7200
10	120	24000

Ютуқ суммасини ҳисоблаб чиқариш жадвали

Чиптада ўчирилган рақамлар сони	Ставкалар сони	7 та рақам тўғри топилганда, тоифалар бўйича ютуқли ставкалар			6 та рақам тўғри топилганда, тоифалар бўйича ютуқли ставкалар		5 та рақам тўғри топилганда, тоифалар бўйича ютуқли ставкалар
		I	II	III	II	III	
		7 та тўғри топилган рақам учун	6 та тўғри топилган рақам учун	5 та тўғри топилган рақам учун	6 та тўғри топилган рақам учун	5 та тўғри топилган рақам учун	5 та тўғри топилган рақам учун
7	1	1	-	-	1	-	1
8	8	1	7	-	2	6	3
9	36	1	14	21	3	18	6
10	120	1	21	63	4	36	10

Азиз Спортлотто ишқибозлари Жек-Пот Сизга мунтазир!
Ўйнаг ва омад Сизга албатта кулиб боқади!

<p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҲВ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir Shuhrat MURODOV</p>		<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91. Kotibiyat 139-73-88. Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.</p> <p>«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p>	<p>● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart</p> <p>● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.</p> <p>● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yakkha tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366</p> <p>Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Bosishga topshirildi — 21.00.</p>
	<p>Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV</p> <p>Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV</p>	<p>Navbatchi Qobiljon SHOKIROV</p> <p>Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV</p>				